

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ  
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

**ОЛИЙ ТАЪЛИМ ТИЗИМИ ПЕДАГОГ ВА РАҲБАР КАДРЛАРИНИ  
ҶАЙТА ТАЙЁРЛАШ ВА УЛАРНИНГ МАЛАКАСИНИ ОШИРИШНИ  
ТАШКИЛ ЭТИШ БОШ ИЛМИЙ - МЕТОДИК МАРКАЗИ**

**ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ ПЕДАГОГ  
КАДРЛАРИНИ ҶАЙТА ТАЙЁРЛАШ ВА УЛАРНИНГ МАЛАКАСИНИ  
ОШИРИШ ТАРМОҚ (МИНТАҚАВИЙ) МАРКАЗИ**

**“ЗАМОНАВИЙ ИШ ЮРИТИШ АСОСЛАРИ”  
МОДУЛИ БЎЙИЧА  
ЎҚУВ – УСЛУБИЙ МАЖМУА**

**Тошкент - 2021**

**Мазкур ўқув-услубий мажмуа Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2020 йил 7 декабрдаги 648-сонли буйруғи билан тасдиқланган ўқув режа ва дастур асосида тайёрланди.**

**Тузувчи:**

ЎзМУ “Архившунослик кафедраси доценти т.ф.н., ”Мухамедова С.

**Тақризчи:**

т.ф.н., доц. Буриева Х.А.  
катта ўқит.Чориев Ш.Ш.

*Ўқув -услубий мажмуа Ўзбекистон миллий университети Кенгашининг қарори билан нашрга тавсия қилинганды (2020 йил 24 декабрдаги №3 -сонли баённомаси)*

## **МУНДАРИЖА**

<b>I. ИШЧИ ДАСТУР .....</b>	<b>4</b>
<b>II. МОДУЛНИ ЎҚИТИШДА ФОЙДАЛАНИЛАДИГАН ИНТРЕФАОЛ ТАЪЛИМ МЕТОДЛАРИ.....</b>	<b>11</b>
<b>III. НАЗАРИЙ МАШГУЛОТ МАТЕРИАЛЛАРИ .....</b>	<b>16</b>
<b>IV. АМАЛИЙ МАШГУЛОТ МАТЕРИАЛЛАРИ .....</b>	<b>60</b>
<b>V. ГЛОССАРИЙ .....</b>	<b>66</b>
<b>VI. ФОЙДАЛАНИЛГАН МАНБАЛАР ВА АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ..</b>	<b>67</b>

## I. ИШЧИ ДАСТУР

### Кириш

Дастур Ўзбекистон Республикасининг 2020 йил 23 сентябрда тасдиқланган “Таълим тўғрисида”ги Қонуни, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги ПФ-4947-сон, 2019 йил 27 августдаги “Олий таълим муассасалари раҳбар ва педагог кадрларининг узлуксиз малакасини ошириш тизимини жорий этиш тўғрисида”ги ПФ-5789-сон, 2019 йил 8 октябрдаги “Ўзбекистон Республикаси олий таълим тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида”ги ПФ-5847-сон ва 2020 йил 29 октябрдаги “Илм-фанни 2030 йилгача ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида”ги ПФ-6097-сонли Фармонлари ҳамда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 23 сентябрдаги “Олий таълим муассасалари раҳбар ва педагог кадрларининг малакасини ошириш тизимини янада такомиллаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги 797-сонли Қарорларида белгиланган устувор вазифалар мазмунидан келиб чиқсан ҳолда тузилган бўлиб, у олий таълим муассасалари педагог кадрларининг касб маҳорати ҳамда инновацион компетентлигини ривожлантириш, соҳага оид илгор хорижий тажрибалар, янги билим ва малакаларни ўзлаштириш, шунингдек амалиётга жорий этиш қўникмаларини такомиллаштиришни мақсад қиласди. (Соҳага тегишли фармон, қарорлар мавжуд бўлса, уларни қабул қилинган йили кетма-кетлигига ушбу абзац жумлалари орасига киритинг)

Дастур доирасида берилаётган мавзуулар таълим соҳаси бўйича педагог кадрларни қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш мазмуни, сифати ва уларнинг тайёргарлигига қўйиладиган умумий малака талаблари ва ўқув режалари асосида шакллантирилган бўлиб, унинг мазмуни кредит модул тизими ва ўқув жараёнини ташкил этиш, илмий ва инновацион фаолиятни ривожлантириш, педагогнинг касбий професионаллигини ошириш, таълим жараёнига рақамли технологияларни жорий этиш, маҳсус мақсадларга йўналтирилган инглиз тили, мутахассислик фанлар негизида илмий ва амалий тадқиқотлар, ўқув жараёнини ташкил этишнинг замонавий услублари бўйича сўнгги ютуқлар, педагогнинг креатив компетентлигини ривожлантириш, таълим жараёнларини рақамли технологиялар асосида индивидуаллаштириш, масофавий таълим хизматларини ривожлантириш, вебинар, онлайн, «blended learning», «flipped classroom» технологияларини амалиётга кенг қўллаш бўйича тегишли билим, кўникма, малака ва компетенцияларни ривожлантиришга йўналтирилган.

Қайта тайёрлаш ва малака ошириш йўналишининг ўзига хос хусусиятлари ҳамда долзарб масалаларидан келиб чиқсан ҳолда дастурда тингловчиларнинг мутахассислик фанлар доирасидаги билим, кўникма, малака ҳамда компетенцияларига қўйиладиган талаблар такомиллаштирилиши мумкин.

Қайта тайёрлаш ва малака ошириш курсининг ўкув дастури қўйидаги модуллар мазмунини ўз ичига қамраб олади:

### **Модулнинг мақсади ва вазифалари**

**Модулининг мақсади:** Олий таълим муассасалари педагог кадрларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш курсининг мақсади педагог кадрларни инновацион ёндошувлар асосида ўкув-тарбиявий жараёнларни юксак илмий-методик даражада лойихалаштириш, соҳадаги илфор тажрибалар, замонавий билим ва малакаларни ўзлаштириш ва амалиётга жорий этишлари учун зарур бўладиган касбий билим, кўникма ва малакаларини такомиллаштириш, шунингдек уларнинг ижодий фаоллигини ривожлантиришдан иборат.

### **Модулнинг вазифаларига қўйидагилар киради:**

- “Архившунослик” йўналишида педагог кадрларнинг касбий билим, кўникма, малакаларини такомиллаштириш ва ривожлантириш;
- педагогларнинг ижодий-инновацион фаоллик даражасини ошириш;
- мутахассислик фанларини ўқитиш жараёнига замонавий ахборот-коммуникация технологиялари ва хорижий тилларни самарали татбиқ этилишини таъминлаш;
- мутахассислик фанлар соҳасидаги ўқитишнинг инновацион технологиялари ва илфор хорижий тажрибаларини ўзлаштириш;

“Архившунослик” йўналишида қайта тайёрлаш ва малака ошириш жараёнларини фан ва ишлаб чиқаришдаги инновациялар билан ўзаро интеграциясини таъминлаш.

### **Модул бўйича тингловчиларнинг билими, кўникмаси, малакаси ва компетенцияларига қўйиладиган талаблар**

Мутахассислик фанлари бўйича тингловчилар қўйидаги янги билим, кўникма, малака ҳамда компетенцияларга эга бўлишлари талаб этилади:

#### **Тингловчи:**

- иш юритишнинг хуқуқий-меъёрий асосларини;
- қадимги даврда архивларнинг вужудга келиши тарихий шартшароитларини;
- Ўарбий Европа мамлакатларида ўрта асрлар ва янги даврда архивлар таснифи, таркиби, архив ишининг юритилишини;
- халқаро архив ташкилотлари фаолиятини *билиши* керак.
- ҳужжатлар ижросини ташкил этиш;

- ижро интизоми монитирингини олиб бориш;
- юридик ва жисмоний шахслар мурожаатларини таҳлил қилиш;
- хозирги замон хорижий архивлар фаолияти тажрибасини маҳаллий архивлар фаолияти билан уйғунлаштириб такомиллаштириш **күнімаларига** эга бўлиши лозим.
- ҳужжатларнинг ҳаракати ва оқимини ташкил этиш;
- турли тарихий даврларга оид архив ҳужжатлар хронологиясини аниқлашни билиш;
- архивларни автоматлаштириш, архив ҳуқуқ ва архив менеджменти бўйича хорижий тажрибада эришилган ютуқлардан самарали фойдаланиш **малакаларига** эга бўлиши лозим.
- архившунослик ва ҳужжатшунослик, жаҳон архивлари тарихи ва архив ҳуқуқи фанларининг асосий категориялари, назарий ва амалий соҳаларда эришган ютуқлари, муаммолари ва уларнинг ривожланиш истиқболларидан фойдаланиш;
- турли тарихий даврларда кечган тарихий воқеаларнинг архив иши ва соҳасига бўлган таъсири, бунинг ижобий ва салбий жиҳатларини ўрганиб, унинг сабоқларини замонавий архив ишидаги муаммоларни ҳал этишда қўллаш;
- назарий билимларни архившунослик ва ҳужжатшунослик, жаҳон архивлари тарихи ва архив ҳуқуқи соҳасидаги амалий вазифаларни ечишда тадқиқотларни бажариш **компетенцияларига** эга бўлиши лозим..

### **Модулни ташкил этиш ва ўтказиш бўйича тавсиялар**

Модулни ўқитиши маъруза ва амалий машғулотлар шаклида олиб борилади.

Модулни ўқитиши жараёнида таълимнинг замонавий методлари, педагогик технологиялар ва ахборот-коммуникация технологиялари қўлланилиши назарда тутилган:

маъруза дарсларида замонавий компьютер технологиялари ёрдамида презентацион ва электрон-дидактик технологиялардан;

ўтказиладиган амалий машғулотларда техник воситалардан, экспресс-сўровлар, тест сўровлари, ақлий ҳужум, гурухли фикрлаш, кичик гурухлар билан ишлаш, коллоквиум ўтказиш, ва бошқа интерактив таълим усулларини қўллаш назарда тутилади.

### **Модулнинг ўқув режадаги бошқа модуллар билан боғлиқлиги ва узвийлиги**

“Замонавий иш юритиши асослари” модули мазмуни ўқув режадаги “Кредит модул тизими ва ўқув жараёнини ташкил этиш”, “Илмий ва инновацион фаолиятни ривожлантириш”, “Педагогнинг қасбий профессионаллигини ошириш”, “Таълим жараёнига рақамли технологияларни жорий этиш”, “Махсус мақсадларга йўналтирилган инглиз

тили” модуллари бўйича тингловчиларнинг билим, кўникма ва малакаларига қўйиладиган талаблар тегишли таълим соҳаси бўйича педагог кадрларни қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш мазмуни, сифати ва уларнинг тайёргарлиги ҳамда компетентлигига қўйиладиган умумий малака талаблари билан белгиланади.

### **Модулнинг олий таълимдаги ўрни**

Модулни ўзлаштириш орқали тингловчилар таълим жараёнини ташкил этишда корхона ва ташкилотларда иш юритишининг замонавий воситалари ва уларга технологик ёндашув асосларини, бу борадаги илғор тажрибани ўрганадилар, уларни таҳлил этиш, амалда қўллаш ва баҳолашга доир касбий лаёқатга эга бўладилар.

### **Модул бўйича соатлар тақсимоти**

№	<b>Модуль мавзулари</b>	Аудитория уқув юкламаси			
		Жами	жумладан		
			Назарий	Амайи машгулот	Кўчма машгулоти
1.	Иш юритиши тушунчаси ва унинг замонавий талқини. Муассасаларда иш юритишнинг хукуқий-меърий асослари.	2	2		
2.	Иш юритища хужжатлар ҳисобини юритиши. Йиғма жилдлар номенклатураси тушунчаси, турлари, уни тузиш ва юритиши тартиби.	2	2		
3	Хужжатларнинг сақлов муддатлари. Хужжатлар ижросини ташкил этиш ва ижро муддатлари. Хужжатларнинг харакати ва оқими. Ижро интизоми мониторинги.	2	2		
4	Бошқарув хужжатлари турлари ва уларни расмийлаштириш талаблари. Буйруқлар ва баённомалар тузиш. Расмий хатларни юритиши. Бошқарув хужжатларини ҳисобини юритиши.	2	2		
5	Юридик ва жисмоний шахслар мурожаатларини бажариш. Мурожаатлар турлари. Улар билан ишлаш тартиби ва келиб тушган мурожаатларга жавоб расмийлаштириш.	2	2		
6	Юридик ва жисмоний шахсларнинг ижтимоий-хукуқий сўровларини қабул қилиш, бажариш, расмийлаштириш ва ҳисобга олиш тартиби. Жавоб тайёрлаш процедураси. Жавобларга асос топиш ва изоҳлаш.	2		2	
7	Сўralаётган хужжатдан нусха бериш тартиби. Келиб тушган мурожаатларни қайд этиш журналларини юритиши. Мурожаатларни кўриб чикиш бўйича назорат.	2		2	

8	Мурожаатлар ижроси учун жавобгарлик. Ўзбекистон Республикаси марказий давлат архивларида иш юритиш соҳасида амалга оширилган ишлар. Ўзбекистон Республикаси Марказий Давлат архиви фаолияти билан танишиш.	2		2	
9	Архивда ижро интизоми, юридик ва жисмоний шахслар мурожаатлари билан ишлаш амалиёти тўғрисида маълумотлар олиш.	2		2	
10	Ўзбекистон Республикаси кино, сурат ва овозли хужжатлар Марказий Давлат архиви қошида фаолият юритаётган “Замонавий иш юритиш маданияти” номли мутахассислар малакасини ошириш курслари ишлари билан танишиш.	6		2	4
	<b>Жами: 24 соат</b>	<b>24</b>	<b>10</b>	<b>10</b>	<b>4</b>

## **НАЗАРИЙ МАШГУЛОТЛАР МАЗМУНИ**

### **1-мавзу Иш юритиш тушунчаси ва унинг замонавий талқини.**

#### **Муассасаларда иш юритишнинг хуқуқий-меъёрий асослари. (2 соат)**

1.1. Хужжат ва хужжатлаштириш масалалари юзасидан қабул қилинган норматив хужжатлар.

1.2. Хужжат тушунчаси. Бошқарувнинг хужжатли таъминоти ва Хужжатлаштириш тушунчаси

1.3. Хужжатларни туркумланишининг муҳим белгилари ва бир-биридан фарқли томонлари

### **2-мавзу Иш юритишида хужжатлар ҳисобини юритиш. Йиғма жилдлар номенклатураси тушунчаси, турлари, уни тузиш ва юритиш тартиби.**

#### **(2 соат)**

1.1. Хужжат ва хужжатлаштириш масалалари юзасидан қабул қилинган норматив хужжатлар.

1.2. Хужжат тушунчаси. Бошқарувнинг хужжатли таъминоти ва Хужжатлаштириш тушунчаси

1.3. *Хужжатларни туркумланишининг муҳим белгилари ва бир-биридан фарқли томонлари*

### **3-мавзу Хужжатларнинг сақлов муддатлари. Хужжатлар ижросини**

**ташкил этиш ва ижро муддатлари. Хужжатларнинг ҳаракати ва**

**оқими. Ижро интизоми мониторинги. (2 соат)**

3.1. Хужжатларни расмийлаштириш бўйича қабул қилинган норматив хужжатлар ва уларнинг қўлланиш доираси

3.2. Хужжатларни расмийлаштиришдаги асосий реквизитлар, элементлар. Уларнинг алоҳида вазифалари ва қўллаш усуллари.

3.3. Бланклар турлари ва улардан тўғри фойдаланиш.

### **4-мавзу Бошқарув хужжатлари турлари ва уларни расмийлаштириш**

**талаблари. Буйруқлар ва баённомалар тузиш. Расмий хатларни юритиш. Бошқарув ҳужжатларини ҳисобини юритиш. (2 соат)**

4.1. Ички ҳужжатлар ва ташқи ҳужжатлар билан ишлаш тартиблари. Уларни рўйхатлаш.

4.2. Ташки ҳужжатларни қайд этиш ва назоратга олиш. Ижро интизоми ва бу борадаги норматив ҳужжатлар билан ишлаш

4.3. Электрон ҳужжат аламашинуви, электрон рақамли имзо

**5-мавзу Юридик ва жисмоний шахслар мурожаатларини бажариш.**

**Мурожаатлар турлари. Улар билан ишлаш тартиби ва келиб тушган мурожаатларга жавоб расмийлаштириш. (2 соат)**

5.1. Ўзбекистонда амалдаги иш юритиш сиёсатининг олиб борилиши

5.2. Иш юритишида жаҳон тажрибаси: АҚШ, Германия, Италия, Англия, Хитой, Қирғизистон ва Россия

### **АМАЛИЙ МАШФУЛОТЛАР МАЗМУНИ**

**1-амалий машғулот: Юридик ва жисмоний шахсларнинг ижтимоий-хуқуқий сўровларини қабул қилиш, бажариш, расмийлаштириш ва ҳисобга олиш тартиби. Жавоб тайёрлаш процедураси. Жавобларга асос топиш ва изоҳлаш. (2 соат)**

1.1. Ҳужжат ва ҳужжатлаштириш масалалари юзасидан қабул қилинган норматив ҳужжатлар.

1.2. Ҳужжат тушунчаси. Бошқарувнинг ҳужжатли таъминоти ва Ҳужжатлаштириш тушунчаси

1.3. Ҳужжатларни туркумланишининг муҳим белгилари ва бир-биридан фарқли томонлари

**2-амалий машғулот: Сўраклаётган ҳужжатдан нусха бериш тартиби.**

**Келиб тушган мурожаатларни қайд этиш журнallарини юритиш.**

**Мурожаатларни кўриб чикиш бўйича назорат. (2 соат)**

2.1. Ҳужжатларни шакллантиришда йиғмажиллар номенклатураси билан ишлаш. Номенклатурани тузиш ва шакллантириш жараёнлари.

2.2. Ҳужжатларнинг сақлаш муддатларини аниқлаш. Бошқарув ҳужжатлари сақлаш муддатлари кўрсатилган Намунавий ва тармоқ рўйхатлари билан ишлаш.

**3-амалий машғулот: Мурожаатлар ижроси учун жавобгарлик.**

**Ўзбекистон Республикаси марказий давлат архивларида иш юритиш соҳасида амалга оширилган ишлар. Ўзбекистон Республикаси**

**Марказий Давлат архиви фаолияти билан танишиш. (2 соат)**

3.1. Ҳужжатларни расмийлаштириш бўйича қабул қилинган норматив ҳужжатлар ва уларнинг қўлланиш доираси

3.2. Ҳужжатларни расмийлаштиришдаги асосий реквизитлар, элементлар. Уларнинг алоҳида вазифалари ва қўллаш усуллари.

3.3. Бланклар турлари ва улардан тўғри фойдаланиш.

**4-амалий машғулот: Архивда ижро интизоми, юридик ва жисмоний шахслар мурожаатлари билан ишлаш амалиёти түғрисида  
маълумотлар олиш. (2 соат)**

4.1. Ички ҳужжатлар ва ташқи ҳужжатлар билан ишлаш тартиблари.  
Уларни рўйхатлаш.

4.2. Ташқи ҳужжатларни қайд этиш ва назоратга олиш. Ижро интизоми ва бу борадаги норматив ҳужжатлар билан ишлаш

4.3. Электрон ҳужжат алмашинуви, электрон рақамли имзо

**5-амалий машғулот: Ўзбекистон Республикаси кино, сурат ва овозли ҳужжатлар Марказий Давлат архиви қошида фаолият юритаётган “Замонавий иш юритиш маданияти” номли мутахассислар малакасини ошириш курслари ишлари билан танишиш. (2 соат)**

5.1. Ўзбекистонда амалдаги иш юритиш сиёсатининг олиб борилиши

5.2. Иш юритишида жаҳон тажрибаси: АҚШ, Германия, Италия, Англия, Хитой, Қирғизистон ва Россия

**КЎЧМА МАШҒУЛОТ МАЗМУНИ**

**1-кўчма машғулот: Ўзбекистон Республикаси кино, сурат ва овозли ҳужжатлар Марказий Давлат архиви қошида фаолият юритаётган “Замонавий иш юритиш маданияти” номли мутахассислар малакасини ошириш курслари ишлари билан танишиш. (4 соат)**

**ЎҚИТИШ ШАКЛЛАРИ**

Мазкур модул бўйича қуйидаги ўқитишиш шаклларидан фойдаланилади:

- маърузалар, амалий машғулотлар (маълумотлар ва технологияларни англаб олиш, ақлий қизиқишини ривожлантириш, назарий билимларни мустаҳкамлаш);
- давра сухбатлари (кўрилаётган лойиха ечимлари бўйича таклиф бериш қобилиятини ошириш, эшитиш, идрок қилиш ва мантиқий хулосалар чиқариш);
- баҳс ва мунозаралар (loyihchalap echimi boyicha daliillar va asosli argumentlarни taqdim qiliш, eshitish va muammolap echiminini topish қобiliyatinini rivojlanтириш).

## **II. МОДУЛНИ ЎҚИТИШДА ФОЙДАЛАНИЛАДИГАН ИНТРЕФАОЛ ТАЪЛИМ МЕТОДЛАРИ.**

### **«ФСМУ» методи**

**Технологиянинг мақсади:** Мазкур технология иштирокчилардаги умумий фикрлардан хусусий хуносалар чиқариш, таққослаш, қиёслаш орқали ахборотни ўзлаштириш, хуносалаш, шунингдек, мустақил ижодий фикрлаш кўникмаларини шакллантиришга хизмат қиласди. Мазкур технологиядан маъруза машғулотларида, мустаҳкамлашда, ўтилган мавзууни сўрашда, уйга вазифа беришда ҳамда амалий машғулот натижаларини таҳлил этишда фойдаланиш тавсия этилади.

#### **Технологияни амалга ошириш тартиби:**

- қатнашчиларга мавзуга оид бўлган якуний хуноса ёки ғоя таклиф этилади;
- ҳар бир иштирокчига ФСМУ технологиясининг босқичлари ёзилган қоғозларни тарқатилади;
- иштирокчиларнинг муносабатлари индивидуал ёки гурӯхий тартибда тақдимот қилинади.



ФСМУ таҳлили қатнашчиларда касбий-назарий билимларни амалий машқлар ва мавжуд тажрибалар асосида тезроқ ва муваффақиятли ўзлаштирилишига асос бўлади.

**Намуна:** “Интернетнинг мультимаданий муроҷот майдони” фикрга нисбатан муносабатингизни ФСМУ орқали таҳлил қилинг.



### “Тушунчалар таҳлили” методи

**Методнинг мақсади:** мазкур метод қатнашчиларнинг янги мавзу буйича дастлабки билимлар даражасини ташҳис қилиш мақсадида қўлланилади, шунингдек мавзу буйича таянч тушунчаларни ўзлаштириш даражасини аниқлаш, ўз билимларини мустақил равишда текшириш, баҳолаш мақсадида қўлланилади.

“Тушунчалар таҳлили” методиниамалга ошириш тартиби:

- иштирокчилар машғулот қоидалари билан таништирилади;
- ўқувчиларга мавзуга ёки бобга тегишли бўлган сўзлар, тушунчалар номи туширилган тарқатмалар берилади (индивидуал тартибда);
- ўқувчилар мазкур тушунчалар қандай маъно англатиши, қачон, қандай ҳолатларда қўлланилиши ҳақида ёзма маълумот берадилар;
- белгиланган вақт якунига етгач ўқитувчи берилган тушунчаларнинг тугри ва тулиқ изоҳини уқиб эшигтиради ёки слайд орқали намойиш этади;
- ҳар бир иштирокчи берилган тугри жавоблар билан узининг шахсий муносабатини таққослайди, фарқларини аниқлайди ва ўз билим даражасини текшириб, баҳолайди.

**Намуна:** “Мавзуга оид тушунчалар таҳлили”

Тушунча	Хал қилувчи куч	Самараси нимада акс этади	Ёндашувни илгари сурган олимлар
<i>Постиндустриал жасамият</i>			
<i>Ахборот жасамияти</i>			
<i>Билимларга асосланган иқтисодиёт</i>			
<i>Виртуал жасамият</i>			

**Изоҳ:** Бўш устунларга қатнашчилар томонидан фикр билдирилади. Мазкур тушунчалар ҳақида қўшимча маълумот глоссарийда келтирилган.

### **Методни амалга ошириш тартиби:**

- ўқитувчи машғулотга қадар мавзунинг асосий тушунчалари мазмуни ёритилган инпут-матнни тарқатма ёки тақдимот кўринишида тайёрлайди;
- янги мавзуу моҳиятини ёритувчи матн таълим оловчиларга тарқатилади ёки тақдимот кўринишида намойиш этилади;
- таълим оловчилар индивидуал тарзда матн билан танишиб чиқиб, ўз шахсий қарашларини маҳсус белгилар орқали ифодалайдилар. Матн билан ишлашда талабалар ёки қатнашчиларга қўйидаги маҳсус белгилардан фойдаланиш тавсия этилади:

Белгилар	1-матн	2-матн
“V” – таниши маълумот.		
“?” – мазкур маълумотни тушуунмадим, изоҳ керак		
“+” бу маълумот мен учун янгилик		
“–” бу фикр ёки мазкур маълумотга қаршишман?		

Белгиланган вақт якунлангач, таълим оловчилар учун нотаниш ва тушунарсиз бўлган маълумотлар ўқитувчи томонидан таҳлил қилиниб, изоҳланади, уларнинг моҳияти тўлиқ ёритилади. Саволларга жавоб берилади ва машғулот якунланади.

### **“Бумеранг” технологияси**

**Мақсади:** ўқувчиларда тезлик, ахборотлар тизмини таҳлил қилиш, режалаштириш, прогнозлаш кўникмаларини шакллантиришдан иборат. Мазкур методни баҳолаш ва мустаҳкамлаш максадида қўллаш самарали натижаларни беради.

### **Амалга ошириш босқичлари:**

1. Дастрраб иштирокчиларга белгиланган мавзуу юзасидан тайёрланган топшириқ, яъни тарқатма материалларни алоҳида-алоҳида берилади ва улардан материални 5 дақика давомида синчиклаб ўрганиш талаб этилади. .
2. Навбатдаги босқичда тренер-ўқитувчи гурӯҳ аъзоларини ўқилган маълумот ҳақида фикр алмашиниш имконягини беради. Бу вазифа учун 5

дақиқа вақт берилади.

3. Навбатдаги босқичда тренер-ўқитувчи иштирокчиларга уч кишидан иборат бошқа кичик гурухларга бирлаштиради ва гурух аъзоларининг хар бири ўқиган маълумот ҳакқида фикр алмасиниш имконятини беради. Бу вазифа учун 10 дақиқа вақт берилади.

4. Барча дастлаб шаклланган гурухларга иштирокчилар қайтади, ва фикр алмашинган маълумот юзасидан бошқа гурухларга бериш учун савол шакллантиради.

5. Хар бир гурухдан 1 киши савол беради, ва тугри жавоб учун 1-3 гача балл куйилади.

6. Тренер-ўқитувчи барча гурухлар тўплаган балларни умумлаштириб, ғолиб гурухни эълон қиласади.

7. Иштирокчиларга олган баҳоларига қараб, уларнинг мавзу бўйича ўзлаштириш даражалари аниқланади.

**“Бумеранг” технологияси асосида вазифа:** Олинган материални мазмунини тушуниб олишга харакат килинг, сўнг гуруҳда мухокама қилинг

### 1- гурухга вазифа

Мультискрипт бу ахборот узатишнинг ўзига хос шакли бўлиб, бир томондан катта ҳажмдаги видеоматериаллар билан ишлашни осонлаштиурса, иккинчи томондан ўз ичига матн, аудио ва видео каби бир қанча медиавий форматларни олади. Бизни қизиқтирган видеотасма фрагменти ҳамда бу фрагментга тегшли транскриптни тез ва катта аниқликда танлаб олиш мумкин. Мультискрипт ўз ичига учта блокни олади – плеер, “стенограмма” ва “мазмун”. Видеоматериални кўриш учун плеер тагида жойлашган “Play” пиктограммасини босиш керак. Видеотасманинг бизни қизиқтирган фрагментини кўришни уч йўл билан амалга ошиrsa бўлади:

- плеер тагида жойлашган курсор ёрдамида;
- “Стенограмма” блокида мант фрагментини босиб;
- “Мазмун” блокида сарлавҳани активлаштириши орқали

### 2- гурухга вазифа

Слайд-шоу. Фотолентадан шуниси билан фарқ қиласади, унда суратлар фотофильм режимида мустақил равишда варақланади. Суратлар сценарий асосидаги кетма-кетликда қўйилади. Слайд-шоу овоз билан биргаликда аудио-иллюстрация элементларини, яъни аудиоцитаталар, шовқин, овозли эфектлар, ахборот билан тўйинтирилган матнни ўз ичига олиши мумкин. Визуал кетма-кетлик ихтиёрий. Улар воқеа жойидан олинган суратлар ёки архив кадрлари, ҳужсатлар, хариталар, скриншотлар, карикатуралар ва ҳ.к. бўлиши мумкин. Бу технология репортаж, очерк, баъзида янгиликларни иллюстрация қилиши учун керак.

<p><b>3- гурӯҳга вазифа</b></p>	<p>Аудиослайд-шоу – замонавий сабаб журналистиканиң мультимедиявийлиги яратилган фотоиллюстрациялаширишининг синтетик варианти бўлиб, мустақил жсанрга айланди. Бу тушунча 2000 йилларда пайдо бўлган. Баъзи фотографлар фоторепортажларининг тақдимоти учун слайд-шоулардан фойдаланиб, унга тадбирда ёзид олинган овозни қўллаганлар. Кейинчалик бу усулдан катта нашриётлар фойдалана бошладилар. Аудиослайд-шоу танлаб олинган фотосуратлар ва уларга қўйилган овоздан иборат. Овоз сифатида мусиқий композиция ёки муаллиф ўқиган матн бўлиши мумкин. Мазмунининг асоси бўлиб, ташқи шовқин, овозли эфект, аудиоцитата ёрдамида берилган ҳикоя хизмат қилиши мумкин. Визуал қатор сифатида воқеа содир бўлган жойдан олинган суратлар, ёки архив кадрлари, ҳужжатлар, карикатуралар ва ҳ.к. олинниши мумкин.</p>
<p><b>4-гурӯҳга вазифа</b></p>	<ul style="list-style-type: none"> <li>- Панорамали фотография – обзор бурчаги катта бўлган фотографиядир. Оммавий воқеаларни ёритишда, объектларни, пейзаж, жойларни тасвирга олишида уларнинг масштабини кўрсатишда актуалдир.</li> <li>- Интерактив фото – шундай фотографияки, унга маҳсус меткалар қўйилган бўлиб, уларни босганда матн, видео, ссылка, ижтимоий тўрларнинг статуслари чиқади.</li> </ul>

### III. НАЗАРИЙ МАШГУЛОТ МАТЕРИАЛЛАРИ

#### 1-МАВЗУ: ИШ ЙОРИТИШ ТУШУНЧАСИ ВА УНИНГ ЗАМОНАВИЙ ТАЛҚИННИ. МУАССАСАЛАРДА ИШ ЙОРИТИШНИНГ ХУҚУКИЙ-МЕЪЁРИЙ АСОСЛАРИ.

##### РЕЖА:

- 1.1. Ҳужжат ва ҳужжатлаштириши масалалари юзасидан қабул қилинган норматив ҳужжатлар.
- 1.2. Ҳужжат тушунчаси. Бошқарувнинг ҳужжатли таъминоти ва Ҳужжатлаштириши тушунчаси
- 1.3. Ҳужжатларни туркумланишининг муҳим белгилари ва бирбиридан фарқли томонлари

**Таянч иборалар:** ҳужжат, ҳужжатлаштириши, норматив ҳужжатлар, ташкилий ҳужжат, фармойиши ҳужжат, маълумот ва ахборот ҳужжатлари, ёзишиналар, хизмат ёзишиналари.

##### 1.1. Ҳужжат ва ҳужжатлаштириш масалалари юзасидан қабул қилинган норматив ҳужжатлар.

Ҳужжат ва ҳужжатлаштириш масалаларида республикада қатор қонун ва қонуности ҳужжатлар қабул қилинган. Мазкур норматив ҳужжатлар барча корхона ва ташкилотларда ҳужжатлар билан ишлаш тизимини тўғри ва сифатли яратилишига хуқуқий ва услубий асос бўлиб хизмат қиласди. Ҳар қандай ташкилот ва корхонада, биз биламизки ҳужжат алмашинуви жараёни бўлади, яъни ҳужжат кирим қилинади ва ҳужжатлар чиқими ҳамда ички ҳужжатлар шаклланади. Демак, ишчи сонидан қатъий назар фаолиятида ҳужжатлаштириш содир бўлган ташкилотларда маълумотларни қоғоз ёхуд электрон кўринишдаги ҳужжатли ахбороти сақланиб қолинади. Бу эса бошқарувнинг ҳужжатли таъминоти деб ҳисобланади.

Ҳужжат ва ҳужжатлаштириш масалалари бўйича Ҳукумат томондан бир қанча ҳужжатлар қабул қилинган бўлиб, булар, асосан архив иши ва иш юритиш соҳасига доир норматив ҳужжатлар ҳисобланади. Ўзбекистон Республикасининг 2010 йил 15 июндаги “Архив иши тўғрисида”ги Қонуни, 2013 йил 11 декабрдаги “Ахборотлаштириш тўғрисида”ги Қонуни, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1999 йил 29 марта ги «Ўзбекистон Республикаси давлат ҳокимияти ва бошқарув органларида иш юритиш ва ижро назоратини ташкил этиш бўйича норматив ҳужжатларни тасдиқлаш ҳақида»ги 140-сонли қарори, Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2007 йил 13 августда 1703-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилган “Ахборот ресурсларининг архив нусхаларини яратиш ва уларни давлат сақловига топшириш тартиби бўйича йўриқнома” ҳамда

“Ўзбекистон стандартлаштириш давлат тизими. Ҳужжатларни унификациялаштириш тизими. ТАШКИЛИЙ-ФАРМОЙИШ ҲУЖЖАТЛАР ТИЗИМИ. Ҳужжатларни расмийлаштиришга бўлган талаблар” 1157-2008 давлат стандарти ва “АРХИВ ИШИ ВА ИШ ЮРИТИШ. Атамалар ва таърифлар” 2436-2012 давлат стандартлари шулар жумласидандир.

## **1.2. Ҳужжат тушунчаси. Бошқарувнинг ҳужжатли таъминоти ва Ҳужжатлаштириш тушунчаси**

**Ҳужжат** - Идентификация қилишга имкон берувчи реквизитлар билан моддий асосга жойлаштирилган ахборот. Бошқача қилиб айтганда, маълум бир воқеликни аниқ акс эттирадиган моддий асосга ёзма тарзда туширилган ахборот манбаи.

**Бошқарувнинг ҳужжатли таъминоти** – корхона ва ташкилотларда бошқарув ишини ҳужжат билан боғлиқлиги, ҳужжатли ахборотлар билан ишлап, ҳужжатлар ижросини таъминлаш масалалари.

**Ҳужжатшунослик** - ҳужжатлар пайдо бўлиши қонуниятларини ўрганадиган, ҳужжатларни яратиш усулларини, ҳужжатлар ҳаракатини ташкил этиш ва ҳужжатлаштириш тизимини қуриш тамойилларини ишлаб чиқадиган фан.

Мазкур тушунчалар комплекс тарзда иш жараёнларини, аниқ бир воқеликни ва воқеа ва ходисаларни, кўрсатмаларни, буйруқ, чоратадбирлар ва ҳужжатлар ижросини таъминлашга қаратилган ҳар қандай топшириқларни ўзида акс эттиради. Бундан ташқари, мазкур йўналишда ёрдамчи ҳаракатдаги тушунчалар борки, булар ўзаро бир бирини тўлдириб боради. Хусусан,

асл ҳужжат: Ҳужжат аслида мавжуд бўлган кўриниш ва реквизитлари унинг келиб чиқиши асосдорлигини тасдиқлайдиган ҳужжат.

аудиовизуал ҳужжат: Тасвирли ва овозли ахборотлардан иборат ҳужжат.

график ҳужжат: Мазмуни чизиқлар воситасида тасвирланган ва геометрик шакллар ёрдамида ифода этилган ҳужжат.

иш юритиш: Ташкилотларнинг ҳужжатлаштириш ва расмий ҳужжатлар билан ишларни ташкил этиш фаолиятини таъминлаб берувчи жараён.

матнли ҳужжат: Мазмуни ҳар қандай хат кўриниши воситасида тузилган ҳужжат.

машина омилидаги ҳужжат: Ахборотни электрон-хисоблаш машинаси орқали қайта ишлашни таъминловчи, ёзиш усули ва ташувчилардан фойдаланиб тузилган ҳужжат.

расмий ҳужжат: Ҳуқуқий ёки расмий (лавозим эгаси) шахс томонидан тузилган, расмийлаштирилган ҳамда тегишлича тасдиқланган ҳужжат.

шахсий келиб чиқиш ҳужжати: Шахснинг жамоат мажбуриятларини бажариш ёки хизмат доирасидан ташқарида яратилган ҳужжат.

электрон ҳужжат: Идентификация қилишга имкон берувчи электрон ҳужжатдаги бошқа реквизитлар ва электрон рақам ҳужжат билан тасдиқланган, электрон формага ёзилган ахборот. [2]

Изоҳ- Электрон ҳужжат электрон ҳужжат айланиши иштирокчиларининг имкониятларини ҳисобга олган ҳолда яратилиши керак.

электрон ҳужжатнинг асл нусҳаси: Ҳужжатнинг аслига тасдиқланган бир хил нусҳаси. [2]

қоралама: Муаллиф ёки муҳаррирнинг ҳужжат матни устидаги ишини акс эттирадиган дастлабки кўриниш.

қўлёзма ҳужжат: Хат белгилари қўл ёзма шаклида киритилган ҳужжат.

ҳужжатлаштирилган ахборотни ташувчи восита: Нутқли, овозли ва тасвирил ахборотни тегишли ёки ўзгарилилган шаклда жойлаштириш ва сақлаш учун ишлатиладиган моддий объект.

ҳужжатнинг юридик кучи: Ҳукуқий меъёрлар томонидан ҳужжатга бериладиган ва унинг реквизитлари таркиби ва жойлашувида, қатор ташқи белгиларда, унинг даврий ва ҳудудий чегаралари ҳамда ҳаракат обьектларида акс эттириладиган ҳужжат.

ҳужжат бланки: Реквизитнинг доимий ахбороти билан кўчирилган ва ахборотлар ўзгариши билан улар ёзиладиган жойи ажратилган ягона намуна (стандарт)даги варак.

### **1.3. Ҳужжатларни туркumlанишининг муҳим белгилари ва бир-бираидан фарқли томонлари.**

Ҳужжатлар асосан тўрт гурухга бўлинади. Булар:

1. Ташкилий ҳужжатлар
2. Фармойиш ҳужжатлари
3. Маълумот-ахборот ҳужжатлари
4. Хизмат хатлари

**Ташкилий ҳужжатлар** бу корхона ва ташкилотнинг асосий фаолияти бўйича ташкилий масалаларга доир устувор ҳужжатлари ҳисобланиб, ташкилот тўғрисидаги, унинг олиб борадиган ишлари, ходимлари ҳақида, хамкорлик масалалари бўйича энг муҳим бўлган ҳукуқий кучга эга бўлган ҳужжатлар хисобланади. Жумладан,

а) штатлар жадвали (Муассаса, ташкилот, корхона тизимини шакллантирувчи унинг ходимлари вазифалари, хар бир лавозимларнинг таркибий бўлимларини ҳамда маошларини кўрсатувчи расмий ҳужжат),

б) шартномалар (Икки ёки ундан ортиқ томонлар келишуви асосида (масалан, ҳукуқий муносабатларни мажбуриятларни ўрнатиш ҳақида) тузилган ёзма равишдаги келишув), меҳнат шартномалари, фуқаролик шартномалари, хамкорлик шартномалари, келишув шартномалари, жамоа шартномалари ва х.к.,

в) низом (1. Ташкил этиш тартиби, статуси, компетенцияси, ҳукуки, мажбурияти ва ишнинг ташкил этишини аниқлайдиган мейёрий ҳужжат. 2. Юридик шахснинг қонунга мувофиқ, регистрация учун зарур бўлган ҳукуқий статусини белгилайдиган таъсис ҳужжати),

г) устав,

д) йўриқномалар (Ташкилотлар фаолиятидаги иқтисодий, технологик,

илмий-техник, ташкилий ва бошқа томонларни тартибга соладиган қоидаларни ўрнатиш мақсадида бериладиган ҳуқуқий ўринга эга бўлган хужжат), хусусан, лавозим йўриқномалари, иш юритиш йўриқномаси ва х.к.,

е) регламент (корхонанинг ички тартиб қоидалари, иш вақти, ходимларни мукофотлаш, раҳбатлантириш ва чора кўриш тадбирларини белгилаб берувчи хужжат).

**Фармойиш хужжатлари** Муассаса фаолиятининг маъмурий ва ташкилий масалалари қарорлари (буйруқ, кўрсатма, топшириқ, фармойиш ва ҳоказолар) қайд этиладиган хужжатлар. Фармойиш хужжатларига ташкилот раҳбари томонидан аниқ бир вазифанинг бажарилишига қаратилган кўрсатмалар мажмуига доир ҳужжатлар киради. Булар:

а) буйруқ (Стратегик ва тактик фаолият жараёнида пайдо бўлган вазифаларни ҳал этиш мақсадида ташкилот раҳбари томонидан бериладиган ҳуқуқий фармойиш ҳужжати),

б) фармойиш (Давлат ҳукумати қонунчилик, ижро органларининг, суд органлари, давлат субъектилари, аниқ ҳуқуқий-меёрий акт асосида фаолият юритувчи ўз-ўзини бошқариш органларининг якка раҳбарлари томонидан бериладиган ҳуқуқий акт),

в) қарор (Тизимли бошқариладиган олий ва айrim марказий органларнинг шу органлар олдида турган энг муҳим ва принципиал масалаларни ҳал этиш ҳамда амалга оширишнинг барқарор меъёр, қоидаларини белгилаш мақсадида қабул қилинган ҳуқуқий ҳужжати.

#### Изоҳ

1 Қарор одатда узоқ муддатга мўлжалланади ва ташкилот ҳамда мансабдор шахсларнинг, уларнинг тобелигидан қатъи назар, кенг доирасига дахлдор бўлади.

2. Ҳукуматнинг олий органи томонидан қабул қилинган қарорлар қонуний, ҳукуматнинг ижро этувчи органи томонидан қабул қилинган қарорлар ноқонуний ҳисобланади.

қарор: Бошқарув (маҳаллий бошқарув органлари, методик ва хисботга тегишли кенгаш, деректорлар кенгаши, кооператорлар бошқаруви, акционерларнинг умумий йиғилиш ва бошқалар) нинг коллегияли принципи асосида иш кўрувчи органлар томонидан бериладиган фармойиш ҳужжат.)

г) кўрсатма (Давлат бошқарув органининг аксарият ахборот-услубий тарздаги, шунингдек мазкур орган ва юқори бошқарув органларининг қарор, фармойиш, буйруқ, йўриқнома ва бошқа хужжатларининг ижросини ташкил этиш билан боғлиқ масалалар бўйича чиқариладиган ҳуқуқий ҳужжати).

**Маълумот –ахборот ҳужжатлари** туркумига фаолиятнинг ёрдамчи ва маълумот сифатидаги хужжатлари тўплами киритилиши мумкин. Жумладан:

а) билдиришнома (Раҳбариятга беришга мўлжалланган ҳужжат бўлиб, унда тузувчининг бирор бир масала хусусидаги холоса ва таклифлари билдирилади),

б) далолатнома (Содир бўлган факт, воқеа ҳодисаларни тасдиқлаш ёки унга гувоҳлик бериш мақсадида бир неча шахс томонидан тузилган ҳужжат),

в) маълумот (Бирор ахборот тарзидаги фактни тасдиқловчи ёки

тасвирловчи ҳужжат)

*Мисол - Таржимаи ҳол ёки хизматга оид фактлар.*

г) сўров (Бир тараф бошқа тарафга у ёки бу маълумотни сўраб мурожаат билан чиқадиган ҳужжат),

д) тушунтириш хати: Асосий ҳужжат (режа, ҳисобот, лойиҳа)нинг айрим томонларини тушунтирувчи ҳужжат; Мансабдор шахснинг ўзидан юқори лавозимдаги шахсга йўллайдиган у ёки бирор ҳатти-ҳаракатни, факт, ҳодисани тушунтирувчи ахбороти.

е) хизмат хати: (Ташкилотнинг тузилмавий бўлинмалар ёки лавозимли шахслар ўртасидаги ёзишмалар ички иш ҳужжати).

**Хизмат ҳатлари** туркумiga барча турдаги хизмат ёзишмалари киритилади. Мазкур ёзишмалар мазмун жиҳатдан бир биридан фарқ қилсада, тузилиши ва шакли жиҳатидан бир биридан кескин фарқ қилмайди. Булар:

а) билдириш хати: Ўтказиладиган тадбир (йиғилиш, мажлис, анжуман, конференция, қурултой ва шу кабилар) ҳақида хабар берувчи ва унда иштирок этишга таклиф қилувчи расмий ҳужжат. [9]

б) ёзишма: Ташкилот, муассасалар орасида почта алоқаси ва бошқа алоқа каналлари ёрдамида етказиладиган ҳужжатлаштириш қоидаларига мувофиқ тузилган ахборотлашган ёзма хаба.

в) илтимос-хат: Қисқа ва хурмат билан ташкилот манфаатини кўзлаган холда, тез орада амалга оширилиши кутилаётган бирор бир масалада олдиндан ташаккур билан мурожаат қилинадиган илтимос хати.

г) иш хати: Узоқ масофадаги ҳуқуқий ёки жисмоний шахслар ўртасида алоқа боғлаш ва бир-бирига ахборот етказиш учун қўлланиладиган ҳужжат турларидан бири.

д) кафолат хати: Олдиндан келишилган ёки вада берилган маълумотни тасдиқлаш учун юбориладиган хат.

Изоҳ: ишнинг сифати, буюртмани бажариш муддатлари, маҳсулот, хизматлар ва бино ижараси ва ҳ.к. учун тўлов кафолатланиши мумкин.

е) кузатув хати: Бирор бир моддий бойлик ёки ҳужжатни ўз манзилига юбориш учун тузиладиган хат.

ё) оферта: Бир шахснинг (оффирентнинг) иккинчисига (акцептантга) шартнома тузиш истагида ёзма таклифи.

ж) рекламация: Ўзига қабул қилган мажбуриятларни бузишни йўл қўйган томонга эътиroz билдириш тўғрисидаги тижорат ҳужжат.

Изоҳ – Рекламация маҳсулотнинг сифати, унинг хажми ва таъминот муддати, тамға босиш, тўлов ва бошқа тузилган шартноманинг шартларига нисбатан ишлатилади.

з) таклиф хат; таклифнома: Одатда бундай ҳатлар аниқ бир шахсга ёки бир неча кишиларга йўналтирилган бўлиб, режалаштирилган тадбир вақти ва куни ҳақида хабар беради ва унга таклиф этади.

и) тасдиқ хат: Ҳужжатлар ёки моддий бойликлар қабул қилинганлигини тасдиқловчи хат.

й) телеграмма: Телеграф ёки телетайп орқали юбориладиган турли мазмундаги ҳужжатларнинг умумлашма номи. [9]

к) телекс: Ҳужжатлар мазмунига қараб, телеграф алоқа орқали юборилувчи турли ҳужжатларнинг умумий номи

л) телефонограмма: Телефон орқали айтиб билдириладиган турли мазмундаги ҳужжатларнинг умумлашма номи. [9]

м) тижорат хати: Юридик шахс томонидан шартнома тузиш ёки бажаришда ишлаб чиқилган ҳужжат.

Изоҳ – Тижорат хатлари уч турга бўлинади: сўров ва унга жавоб, оферта (таклиф) ва унга жавоб, рекламация ва унга жавоб.

н) хабар хат: У ёки бу ҳақда хабар берадиган, бирор нарсани тасдиқлайдиган ёки инкор этадиган хат.

о) хат: Мазмуни жихатдан умумлашган ҳужжат, муассасалар, хусусий шахслар ўртасида уларнинг фаолияти юзасидан алоқа воситаси орқали юбориладиган ёзишма, мактуб, нома. [9]

п) факсограмма: Факсимил йўллари орқали юбориладиган ҳужжат турлари (қўй ёзма, босма, график) қоғоз шаклидаги нусха.

р) электрон хабар: Автоматлаштирилган маълумотлар базаси орқали алоқа тизимидан юборилган ҳужжат.

с) эслатма хат: олинган мажбуриятларнинг бажарилиши ва акс холда чоралар кўрилиши юзасидан эслатма хат тури.

Изоҳ-Қачонки телефон орқали гаплашувлар ёки ўзаро сухбат етарли натижа бермаса эслатма-хат юборилади.

### **Назорат саволлари ва вазиятли масала:**

1. Ташкилий ҳужжатларга нималар киради?
2. Режа ва ҳисботлар қайси туркумдаги ҳужжатлар гуруҳига хос?
3. Йиғмажилд ва ҳужжатнинг бир биридан фарқли томони нимада?
4. Иш юритиш бўйича қайси стандартни биласиз?
5. Сиз бирор бир корхона раҳбари лавозимига тайинлансангиз, девонхона ишини талаб даражасида йўлга қўйиш учун дастлаб нималарга эътибор берган бўлар эдингиз?

### **Адабиётлар рўйхати:**

1. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Республикаси давлат ҳокимияти ва бошқарув органларида иш юритиш ва ижро назоратини ташкил этиш бўйича норматив ҳужжатларни тасдиқлаш ҳақида»ги 140-сонли қарори. 1999 йил 29 марта қабул қилинган
2. Архив иши ва иш юритиш. Атамалар ва таърифлар. 2436-2012
3. Тўхлиев Н. Иш юритиш. – Тошкент, 2015.
4. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси хузуридаги “Ўзархив” агентлиги: [www.archive.uz](http://www.archive.uz)
5. Рогожин, М.Ю. Документационное обеспечение управления: учебно-практическое пособие / М.Ю. Рогожин. – М.: ТК Велби, Издательство Проспект, 2005.

## **2-МАВЗУ: ИШ ЙОРИТИШДА ҲУЖЖАТЛАР ҲИСОБИНИ ЙОРИТИШ. ЙИҒМА ЖИЛДЛАР НОМЕНКЛАТУРАСИ ТУШУНЧАСИ, ТУРЛАРИ, УНИ ТУЗИШ ВА ЙОРИТИШ ТАРТИБИ.**

### **РЕЖА:**

- 2.1. Ҳужжатларни шакллантиришида йиғмажиллар номенклатураси билан ишлаш. Номенклатурани тузиш ва шакллантириши жараёнлари.*
- 2.2. Ҳужжатларнинг сақлаш муддатларини аниқлаш. Бошқарув ҳужжатлари сақлаш муддатлари кўрсатилган Намунавий ва тармоқ рўйхатлари билан ишлаш.*

**Таянч иборалар:** йиғмажилд, йиғмажиллар номенклатураси, ҳужжатлар сарлавҳалари рўйхати, сақлаш муддатлари

### **2.1. Ҳужжатларни шакллантиришида йиғмажиллар номенклатураси билан ишлаш. Номенклатурани тузиш ва шакллантириш жараёнлари**

Бошқарувнинг ҳужжатли таъминоти масалаларида йиғмажилларни, яъни ҳужжатлар тўпламини иш юритиш жараёнида шакллантириш муҳим аҳамият касб этади. Хўш, йиғмажилд ўзи нима, қандай манони англатади? Йиғмажилд бу муассасанинг бир масала ёки фаолиятининг бирор томонига оид ва жамланиб, алоҳида жилдга солинган ёки муқоваланган ҳужжатлар тўплами (ёзма ҳужжатларнинг сақлов бирлиги). Кўп ҳолларда архив ишида “дело” сўзи архивдаги матнли ҳужжатларни сақлов бирлиги белгиси сифатида қўлланилиб келиниши билан аҳамиятли.

Номенклатура нима, у нима учун керак? Йиғмажиллар номенклатураси - иш юритишида жорий этилиб, сақлов муддати кўрсатилган йиғмажилларнинг муайян тартибдаги рўйхати. ЎзР ВМнинг 29.03.1999 йилдаги 140-сонли қарорида белгиланганидек, йиғмажиллари номенклатураси - ташкилотда юритиладиган белгилангандан тартибда расмийлаштирилган ва уларни сақлаш муддатлари кўрсатилган ҳолда тартибга солинган ҳужжатлар йиғмажиллари сарлавҳалари рўйхатидир.

Ташкилотларда таркибий бўлинмалар, жамоат ташкилотларининг ҳужжатлар йиғмажиллари номенклатуралари ва улар асосида - барча ташкилотларнинг ҳужжатлар йиғмажиллари йиғма номенклатураси тузилади. Таркибий тузилмалар ва жамоат ташкилотлари ҳужжатлар йиғмажиллари номенклатураси етакчи мутахассислар жалб қилинган ҳолда, ҳужжатлар учун жавобгар шахс томонидан тузилади, идоравий архив билан келишилади ва унинг раҳбари томонидан имзоланади.

Ҳужжатлар йиғмажиллари йиғма номенклатураси ишлар бошқармаси,

умумий бўлим, канцелярия, котиб томонидан тузилади, ташкилотларнинг марказий эксперт (эксперт) комиссияси (МЭК, ЭК) сўнгра архив муассасасининг эксперт-текширув комиссияси (ЭТК) билан келишилади ва ташкилотлар раҳбари томонидан тасдиқланади. Хужжатларни давлат сақловига топширмайдиган ташкилотлар хужжатлар йиғмажиллари номенклатурасини юқори ташкилотнинг МЭК (ЭК)си билан келишиб олишади.

Хужжатлар йиғмажиллари номенклатурасини тузишда намунавий ва тахминий хужжатлар йиғмажилди номенклатурасига, намунавий ва идоравий рўйхатлар сақлаш муддатига, идоравий архивлар ишларининг асосий қоидаларига амал қилиниши лозим.

Хужжатлар йиғмажиллари номенклатурасига ташкилот ишларининг барча хужжатлаштирилган участкаларини акс эттирувчи хужжатлар йиғмажилди сарлавҳалари, шу жумладан маълумот ва назорат карточкалари, шахсий хужжатлар йиғмажиллари, хужжатлар йиғмажиллари номенклатураси киритилади. Ҳар бир хужжатлар йиғмажилдига таркибий бўлинма индексидан (таркибий бўлинмалар классификацияси бўйича) хужжатлар йиғмажиллари номенклатураси бўйича тартиб рақамидан иборат бўлган индекс берилади (масалан: 03-12). Хужжатлар йиғмажилдиди бир нечта жиллар (қисмлар) мавжуд бўлганда индекс ҳар бир жилдга "I ж, II ж," кўшимчаси билан қўйиб чиқилади. Ташкилотда келгуси календарь йилга хужжатлар йиғмажиллари номенклатураси келгуси йилнинг охирги чорагида, белгиланган шаклда тузилади, зарур бўлган нусхада чиқарилади ва 1 январдан бошлаб харакатга туширилади. Хужжатлар йиғмажилди номенклатураси ташкилот функциялари ва тузилмалари ўзгарган тақдирда, бироқ 5 йилда камида бир марта қайта тузилади ва келишиб олинади.

У ҳар йили тегишли тўғрилашлар билан қайта тузилади ва тасдиқланади. Ташкилот хужжатлар йиғмажиллари йиғма номенклатурасининг биринчи нусхаси ишлар бошқармасида, умумий бўлимда, канцелярияда, котиба сақланади, иккинчисидан - иш нусхаси сифатида фойдаланилади, учинчиси - идора архивида туриши керак, тўртингчиси - хужжатлар йиғмажиллари номенклатураси келишиб олинган архив муассасасида қолади.

Йил давомида тасдиқланган хужжатлар йиғмажиллари номенклатурасига хужжатлар йиғмажилди юритилганлиги тўғрисидаги, янги хужжатлар йиғмажиллари киритилганлиги тўғрисидаги маълумотлар киритилади. Йил охирида унга турлари ва юритилган хужжатлар йиғмажиллари тўғрисидаги якуний маълумотлар киритилади. Ташкилот хужжатлар йиғмажиллари номенклатурасининг якуний ёзуви таркибий бўлинмаларнинг хужжатлар йиғмажиллари номенклатурасининг якуний ёзувлари асосида тузилади.

Дастлаб ташкилий-фармойиш хужжатлари (буйруқлар, фармойишлар, ҳайъат органларининг баённомалари ва қарорлари)дан иборат йиғмажилларнинг сарлавҳалари жойлаштирилади. Бунда юқори ташкилотларнинг қарорлари, буйруқларини таркибига олувчи

йиғмажилдларнинг сарлавҳалари ташкилот раҳбарининг фармойиш ҳужжатларидан иборат йиғмажилд сарлавҳаларидан олдин жойлаштирилади. Кейинроқда режалаштириш ва ҳисбот ҳужжатларидан таркиб топган йиғмажилдларнинг сарлавҳалари жойлаштирилади.

Йиғмажилдлар номенклатурасининг 3-устунида йиғмажилдлар (томлар, қисмлар) сони қўрсатилади. Ушбу маълумот календар йилининг охирида тўлдирилади.

4-устунда йиғмажилдларнинг сақлов муддатлари, рўйхат (намунавий, соҳавий) бўйича, у бўлмаган ҳолда намунавий ёки тахминий йиғмажилдлар номенклатураси бўйича тегишли моддаларнинг тартиб рақамлари қўрсатилади.

Номенклатурага сақлов муддатлари намунавий ёки соҳавий рўйхатларда кўзда тутилмаган ҳужжатларнинг номлари киритилган бўлса, уларнинг сақлов муддатлари ташкилотнинг идоравий архиви ва МЭК (ЭК)си тавсияси бўйича тегишли архив муассасасининг ЭТК томонидан белгиланади.

5-устун «Эслатма» сифатида номланган бўлиб, унда йиғмажилдлар номенклатурасининг амал қилиш даври давомида йиғмажилдлар юритилганлиги, кўчма йиғмажилдлар, йиғмажилдларни йўқ қилиш учун ажратилганлиги, йиғмажилдларни идоравий архивга берилганлиги, йиғмажилдларни давом эттириш учун бошқа ташкилотга берилганлиги тўғрисидаги белгилар қўйиб борилади.

Иш юритиш иили тугагандан сўнг, номенклатуранинг сўнгига юритилган йиғмажилдлар (томлар) сони доимий сақловдагилар учун алоҳида, вақтинча сақловдагилар учун алоҳида якуний ёзув тўлдирилади. Ташкилот йиғмажилдлар номенклатурасидаги якуний ёзувда келтирилган маълумотлар мажбурий тарзда тегишли давлат архивига маълум қилинади ва ушбу хусусда йиғмажилдлар номенклатурасида уни амалга оширган мансабдор шахснинг лавозими, шахси ва имзоси қўрсатилган ҳолда белгилаб қўйилади.

## **2.2. Ҳужжатларнинг сақлаш муддатларини аниқлаш. Бошқарув ҳужжатлари сақлаш муддатлари қўрсатилган Намунавий ва тармоқ рўйхатлари билан ишлаш.**

Юқорида айтиб ўтилганидек, йиғмажилдлар номенклатурасининг 4-устунида йиғмажилдларнинг сақлов муддатлари, рўйхат (намунавий, соҳавий) бўйича, у бўлмаган ҳолда намунавий ёки тахминий йиғмажилдлар номенклатураси бўйича тегишли моддаларнинг тартиб рақамлари қўрсатилади.

Ҳужжатларни сақлаш муддатлари қўрсатилган намунавий рўйхат (бундан буён матнда ҳужжатларнинг намунавий рўйхати деб юритилади) — «Ўзархив» агентлиги томонидан ишлаб чиқиладиган ва тасдиқланадиган, тармоқ рўйхатларини ишлаб чиқиш учун асос бўлиб хизмат қилувчи,

хужжатларнинг сақлаш муддатлари кўрсатилган намунавий рўйхат ҳисобланиб, 2011 йилда ишлаб чиқилган. Мазкур Рўйхат Ўзбекистон Республикаси Марказий давлат архиви томонидан ишлаб чиқилган ва “Ўзархив” агентлиги томонидан маъқулланган. Бу рўйхат жами 1091 та хужжат турини ўз ичига олган бўлиб, республиканинг барча турдаги корхона ва ташкилотлари фаолиятида шаклланадиган бошқарув хужжатларининг сақлаш муддатлари кўрсатилган. Ҳар бир вазирлик, идора, бошқарув органлари ўзларининг тармоқ рўйхатларини мана шу рўйхатга асосланган холда ишлаб чиқадилар ва бу рўйхатда кўрсатилмаган ихтисослаштирилган хужжатларга сақлаш муддатларини белгилайдилар.

Хужжатларни сақлаш муддатлари кўрсатилган тармоқ рўйхати (бундан буён матнда хужжатларнинг тармоқ рўйхати деб юритилади) — хужжатларнинг намунавий рўйхати асосида тармоқ бошқарув органлари томонидан ишлаб чиқиладиган хужжатларининг сақлаш муддатлари кўрсатилган рўйхат ҳисобланади.

## Кўргазмали воситалар, илова ва тарқатма материаллар

Ташкилотнинг йиғмажиллар номенклатураси намунаси

Ўзбекистон Республикаси  
Марказий Давлат архиви

**ЙИҒМАЖИЛЛАР  
НОМЕНКЛАТУРАСИ**

ТАСДИҚЛАЙМАН  
Директор  
Ю.Э.Ходжибаев

“\_\_\_” “\_\_\_” 2016й.

№“\_\_\_” “\_\_\_” 2016й.  
Тошкент ш.  
2017 йил учун

Йиғма- -жилд индекс и	Йиғмажилд (жилд, қисми) сарлавҳаси	Йиғма- жиллар (жилд, қисмлар) сони	Йиғмажилдни (жилд, қисмни) сақлов муддати ва модда тартиб раками	Изоҳ
--------------------------------	---------------------------------------	------------------------------------------------	------------------------------------------------------------------------------------	------

### 01 – РАҲБАРИЯТ

01-01	“Ўзархив” агентлигининг буйруқлари. (Нусха)		Заруриятга кўра 19 б-модда	
01-02	Асосий фаолият бўйича буйруқлар		Доимий 25 а-модда	Нусхалари зарурат қолмагунча
01-03	Шахсий таркиб бўйича буйруқлар		75 йил 25 б-модда	

### 02-БУХГАЛТЕРИЯ

02-01	Бўлим низоми нусхаси		3 йил 31-модда	Янгилар билан алмаштирилгандан сўнг
02-02	ЎзР МДА ходимларини мукофатлаш ҳақидаги низомлар		Доимий 331 а-модда	

### 03- РЕЖАЛАШТИРИШ ВА ТАШКИЛИЙ УСЛУБИЙ ИШЛАР БЎЛИМИ

03-01	Бўлим низоми нусхаси		3 йил 31-модда	Янгилар билан алмаштирилгандан сўнг
03-02	Бўлимнинг йиллик иш режаси ва хисоботлари		Доимий 296 б-модда	

ЎзР МДА катта илмий ходими

Ж.Б. Расулов

МАЪҚУЛЛАНГАН  
2017 йил 04.01.даги 1-сонли  
ЭТУК баённомаси

КЕЛИШИЛГАН  
“Ўзархив”агентлигининг  
2017 йил 05.01.даги 1-сонли  
МЭТК баённомаси

### Ташкилот йифмажиллар номенклатурасига якуний ёзув шакли

йилда юритилган йифмажилларнинг тоифалари ва сони  
тўгрисидаги якуний ёзув

Сақлов муддатлари бўйича	Жами	Шу жумладан:	
		кейинги йилга ўтувчи	ЭТК белгиси билин
1	2	3	4
Доимий			
Вақтинча (10 йилдан ортиқ)			
Вақтинча (10 йилгача тўлик)			
ЖАМИ:			

Ташкилотнинг иш юритиш хизмати  
раҳбарининг лавозими номи  
Сана

имзо

имзо шархи

Якуний маълумотлар идоравий архивга топширилди.  
Маълумотларни топширган  
шахснинг лавозими номи  
Сана

имзо

имзо шархи

Қоғоз бичими А4(210x297)

### **Назорат саволлари ва вазиятли масалалар:**

1. Йиғмажиллар номенклатураси бу қандай ҳужжат?
2. Тасаввур қилинг, сиз фаолият юритадиган ташкилотда номенклатура мавжуд эмас, сиз бу ҳолда қандай иш тутасиз?
3. Агар сизда сақлаш муддати ўтган ҳужжатлар мавжуд бўлса, бу ҳужжатларни нима қиласиз?
4. Иш юритиш бўйича норматив ҳужжатларни санаб беринг
5. Тикилган йиғмажилд варақлари сони қанча бўлиши керак?

### **Адабиётлар рўйхати:**

1. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Республикаси давлат ҳокимияти ва бошқарув органларида иш юритиш ва ижро назоратини ташкил этиш бўйича норматив ҳужжатларни тасдиқлаш ҳақида»ги 140-сонли қарори. 1999 йил 29 марта қабул қилинган
2. Архив иши ва иш юритиш. Атамалар ва таърифлар. 2436-2012
3. Рогожин, М.Ю. Документационное обеспечение управления: учебно-практическое пособие / М.Ю. Рогожин. – М.: ТК Велби, Издательство Проспект, 2005.
4. Ўзбекистон Республикаси ташкилотлари фаолиятида шаклланадиган бошқарув ҳужжатларининг сақлаш муддатлари кўрсатилган Намунавий рўйхат (Тошкент. 2011, сентябрь)

### **3-МАВЗУ: ҲУЖЖАТЛАРНИНГ САҚЛОВ МУДДАТЛАРИ. ҲУЖЖАТЛАР ИЖРОСИНИ ТАШКИЛ ЭТИШ ВА ИЖРО МУДДАТЛАРИ. ҲУЖЖАТЛАРНИНГ ҲАРАКАТИ ВА ОҚИМИ. ИЖРО ИНТИЗОМИ МОНИТОРИНГИ**

#### **РЕЖА:**

- 3.1. Ҳужжатларни расмийлаштириши бўйича қабул қилинган норматив ҳужжатлар ва уларнинг қўлланиш доираси*
- 3.2. Ҳужжатларни расмийлаштиришдаги асосий реквизитлар, элементлар. Уларнинг алоҳида вазифалари ва қўллаш усуллари.*
- 3.3. Бланклар турлари ва улардан тўғри фойдаланиши.*

**Таянч иборалар:** ташкилий - фармойиш ҳужжатлар, ҳужжатлар реквизитлари таркиби, ҳужжат, бланк, гербли бланк, ҳисоб, рўйхатга олиш, назорат, реквизит

#### **3.1. Ҳужжатларни расмийлаштириш бўйича қабул қилинган норматив ҳужжатлар ва уларнинг қўлланиш доираси.**

Ўзбекистон Республикасида ҳужжатларни расмийлаштиришга бўлган талабларга бағишлиган алоҳида давлат стандарти қабул қилинган бўлиб, бу стандарт 1157-2008 сонли рақам билан рўйхатдан ўтказилган. Мазкур стандарт ЎзР ВМнинг 29.03.1999 йилдаги 140-сонли қарори билан тасдиқланган Намунавий иш юритиш йўриқномасига асосан ишлаб чиқилган.

Мазкур стандарт Ўзбекистон Республикаси, Ўзбекистон Республикаси субъекти, давлат ҳокимияти ва бошқарув органлари, шунингдек мулкчилик шаклидан қатъий назар хўжалик бирлашмалари, муассаса ва ташкилотларнинг фармойиш ва ижро фаолиятини расмийлаштиришда қўлланадиган ташкилий-фармойиш ҳужжатлари (қарорлар, фармойишлар, низомлар, йўриқномалар, бўйруқлар, уставлар, баённомалар, далолатномалар ва бошқалар)га тадбиқ этилади.

Мазкур стандарт ҳужжатлар реквизитларининг таркиби; ҳужжатлар реквизитларини расмийлаштиришга бўлган талаблар; бланкларга бўлган талаблар; Ўзбекистон Республикаси Давлат герби ва Ўзбекистон Республикаси субъекти гербини ўз ичига олган бланкларни ҳисобга олиш, сақлаш ва улардан фойдаланишга бўлган талабларни белгилайди

Ушбу стандартда қўйидаги стандартларга ҳаволалар қўлланилган:

ГОСТ 6.38-90. Унифицированные системы документации. Унифицированная система организационно-распорядительной документации. Требования к оформлению документов.

ГОСТ 6.10.3-83 УСД. Запись информации унифицированных

документов в коммуникативном формате.

ГОСТ 6.10.4-84 УСД. Придание юридической силы документам на машинном носителе и машинограмме, создаваемым средствами вычислительной техники. Основные положения.

### **3.2. Ҳужжатларни расмийлаштиришдаги асосий реквизитлар, элементлар. Уларнинг алоҳида вазифалари ва қўллаш усуслари.**

Демак, белгиланган стандарт меъёрлари бўйича ҳужжатлар реквизитларининг таркиби қўйидагилардан иборат эканлигини кўриш мумкин:

- 01 – Ўзбекистон Республикаси Давлат герби;
- 02 – Ўзбекистон Республикаси субъектининг герби;
- 03 – ташкилот эмблемаси ёхуд савдо белгиси (хизмат кўрсатиш белгиси);
- 04 – ташкилот, юридик шахс коди (корхона ва ташкилотларнинг ягона давлат регистри (КТЯДР));
- 05 – ҳужжатлар соҳавий табели бўйича ҳужжат шаклининг коди ;
- 06 – вазирлик ёки идоранинг номи;
- 07 – ташкилот, таркибий бўлинма номи;
- 08 – ташкилот тўғрисидаги маълумотлар;
- 09 – ҳужжат турининг номи;
- 10 – сана;
- 11 – ҳужжат индекси;
- 12 – кириш ҳужжатининг индекси ва санасига ҳавола;
- 13 – ҳужжатни тузиш ёки нашр этиш жойи;
- 14 – ҳужжатдан фойдаланишни чеклаш грифи;
- 15 – адресат;
- 16 – ҳужжатни тасдиқлаш грифи;
- 17 – резолюция (муносабат белгиси);
- 18 - матнга сарлавҳа;
- 19 – назорат белгиси;
- 20 – ҳужжат матни;
- 21 – илова мавжудлиги ҳақидаги белги;
- 22 – имзо;
- 23- ҳужжатнинг келишилганлик грифи;
- 24 – виза (розилик белгиси);
- 25 – муҳр;
- 26 – нусханинг тасдиқланганлик белгиси;
- 27– ижрочи тўғрисидаги белги;
- 28– ҳужжатни ижро этиш ва йифмажилдга жойлаш тўғрисидаги белги;
- 29 - ҳужжатнинг ташкилотга келиб тушганлиги тўғрисидаги белги;
- 30 – ҳужжат электрон нусхасининг индентификатори.

Кўрсатиб ўтилган реквизитларнинг қачон ва қандай ҳолатларда

қўлланилишини ҳам алоҳида кўриб ўтиш жоиз бўлади.

1 Ўзбекистон Республикаси Давлат герби «Ўзбекистон Республикаси Давлат герби тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига (02.07.1992й.) мувофиқ ҳужжатлар бланкларида жойлаштирилади.

2 Ўзбекистон Республикаси субъектининг герби Ўзбекистон Республикаси субъектининг ҳукуқий ҳужжатларига мувофиқ ҳужжатлар бланкларида жойлаштиради.

3 Ташкилот эмблемаси ёхуд савдо белгиси (хизмат кўрсатиш белгиси) ташкилот устави (ташкилот тўғрисидаги низом)га мувофиқ унинг бланкларида жойлаштирилади.

4 Юридик шахснинг асосий давлат рўйхати рақами (ташкилот коди) корхона ва ташкилотларнинг умумдавлат таснифлагичи (КТУТ) асосида статистика органлари томонидан бериладиган ҳужжатларга мувофиқ кўйилади.

5 Ҳужжат шаклининг коди ташкилотларда вужудга келган ҳужжатларнинг соҳавий табеллари бўйича қўйилади. Табел таркибига ташкилотнинг мақсад ва вазифаларини бажариш учун зарур ва етарли бўлган бошқарув ҳужжатлари киритилади.

6 Ҳужжат муаллифи ҳисобланган давлат ва хўжалик бошқаруви номи унинг таъсис ҳужжатларидағи номига мувофиқ бўлиши керак.

7 Ҳужжат муаллифи ҳисобланган ташкилот, таркибий бўлинманинг номи унинг таъсис ҳужжатларидағи номига мувофиқ бўлиши керак.

Ташкилот, таркибий бўлинма номидан юқори ташкилотнинг (мавжуд бўлган ҳолда) қисқартирилган, бўлмаса тўлиқ номи кўрсатилади .

Ўзбекистон Республикаси субъектининг ташкилот, таркибий бўлинмалари номлари Ўзбекистон Республикаси давлат тили (ўзбек тили) билан бирга Ўзбекистон Республикаси субъектининг давлат тилига эга бўлган икки тилда босилади.

Ўзбекистон Республикаси субъектининг ташкилоти, таркибий бўлинмасининг давлат тилидаги ёки бошқа тилдаги номи Ўзбекистон Республикаси давлат тилидаги номидан қуи, ёхуд ўнг тарафига қўйилади

Ташкилот, таркибий бўлинманинг қисқартирилган номи ташкилот таъсис ҳужжатларида белгиланган ҳоллардагина келтирилади. Қисқартирилган номи (қавс ичидаги) тўлиқ номнинг пастки қисмида ёки ундан кейин қўйилади.

Филиал, худудий бўлим, ваколатхонанинг номи улар ҳужжат муаллифи ҳисобланган ҳоллардагина кўрсатилади ва ташкилот номидан кейин қўйилади.

8 Ташкилот тўғрисидаги маълумотлар ўз таркибига қуйидагиларни олади: почта манзили; телефон рақами ва ташкилотнинг ихтиёрига кўра бошқа маълумотлар (факс, телекс ракамлари, банкдаги ҳисоб рақами, банк коди (МФО), солик тўловчининг идентификация рақами (СТИР), электрон почта ва бошқалар).

9 Ҳужжат санаси бўлиб имзоланган ёки тасдиқланган сана ҳисобланади: баённома учун - мажлис (қарор қабул қилиш) санаси;

далолатнома учун – воқеа санаси. Икки ёки ундан ортиқ ташкилотлар томонидан нашр этилган ҳужжатлар бир (ягона) санага эга бўлишлари лозим.

Ҳужжат санаси араб рақамларида қўйидаги кетма-кетлиқда расмийлаштирилади: ой қуни, ой, йил. Ой қуни ва ой - нуқта билан ажратилган ҳолда икки жуфт араб рақамлари билан, йил – тўртта араб рақамлари билан расмийлаштирилади.

10 Ҳужжат индексида унинг таркибий қисмларининг қўйидаги кетма-кетлигига амал қилинади: йифмажиллар номенклатураси бўйича индекс, фойдаланилаётган таснифлагич бўйича индекс (хат ёзишмалар, фаолият масалалари ва бошқалар), рўйхатлаш тартиб рақами.

Бир нечта ташкилотларнинг биргалиқда тузган ҳужжатларида ягона (энг сўнгти имзоланган) сана қўрсатилади ва ҳар бир тузувчи ташкилот томонидан ҳужжатга берилган рўйхатлаш тартиб рақамлари қўйилади. Рақамлар қия чизиқ орқали ҳужжатда муаллифлар қўрсатилган тартибга кўра (чапдан ўнгга) ёзилади.

11 Кириш ҳужжатининг индекси ва санасига тегишли ҳавола жавоб бериш талаб этиладиган ҳужжатнинг индекс ва санасини ўз таркибиға олади.

12 Ҳужжат тузилган ёки нашр этилган жой «Ташкилот номи» ва «Ташкилот тўғрисида маълумотлар» реквизитлари орқали аниқланиши қийин бўлган ҳоллардагина қўрсатилади. Ҳужжат тузилган ёки нашр этилган жой маъмурий-худудий бўлинишни ҳисобга олган ҳолда қўрсатилиб, факат умумий қабул қилинган қисқартмаларни ўз таркибиға олади.

13 Ҳужжатдан фойдаланишга доир чеклаш грифи (махфий, ўта махфий ва бошқалар) қўштироқсиз ҳужжатнинг биринчи бетига қўйилади. Уни давлат сири ва махфий ахборот тўғрисидаги қонунчиликда кўзда тутилган маълумотлар билан тўлдириш мумкин.

14 Адресат сифатида ташкилотлар, уларнинг таркибий бўлинмалари, мансабдор жисмоний шахслар бўлишлари мумкин. Ташкилот ва унинг таркибий бўлинмаларининг номи бош келишиқда, лавозим ва фамилиялар – жўналиш келишигига қўрсатилади. Масалан (бу ерда ва бундан буён ташкилот номларининг мисоллари, маълумотлари шартли равища берилади). Ҳужжатда тўрттадан ортиқ адресат кўрсатилмаслиги керак. Иккинчи, учинчи, тўртинчи адресатлар олдидан «Нусха» сўзи кўрсатилмайди. Тўрттадан ортиқ адресатлар мавжуд бўлган ҳолларда юбориш рўйхати тузилади ва ҳар бир ҳужжатда факат бир адресат кўрсатилади.

15 Тасдиқланадиган ҳужжат имзоланган, тасдиқланган вақтдан бошлаб юридик кучга эга бўлади. Ҳужжат мансабдор шахс (mansabdar shahslar) томонидан ёки алоҳида чиқариладиган ҳужжат орқали тасдиқланади. Ҳужжат аниқ мансабдор шахс томонидан тасдиқланадиган ҳолларда ҳужжатни тасдиқлаш грифи ТАСДИҚЛАЙМАН сўзи (қўштироқсиз ва бош ҳарфлар билан), тасдиқловчи мансабдор шахс лавозими номи, имзо, исми шарифи, фамилияси ва тасдиқлаш саналаридан иборат бўлиши лозим. Тасдиқлаш грифи ҳужжатнинг юқоридаги ўнг бурчагига қўйилади.

16 Тегишли мансабдор шахс томонидан ҳужжатда ёзилган резолюция

ижрочиларнинг исми- шарифи, фамилиясини, топшириқ мазмунини, бажариш муддатларини ўз таркибига олади. Резолюция имзоланади ва унга сана қўйилади.

Резолюция ҳужжатнинг юқори қисмида “адресат” реквизитидан кейин ёки ҳужжатдан ташқари маҳсус тайёрланган бланкда қўйилади.

17 Матн сарлавҳаси ҳужжатнинг қисқача мазмунини ўз ичиға олади. Сарлавҳа ҳужжат турининг номи билан мутаносиб бўлиши ва ҳужжат мазмунини қисқа ва аниқ акс эттириши керак.

18 Ҳужжат ижросини назорат этиш тўғрисидаги белги “Н” ҳарфи, “Назорат” сўзи ёки штамп ёрдамида белгиланади.

19 Ҳужжат матни Ўзбекистон Республикаси давлат тилида (заруратга қараб бошқа тилда) ёки Ўзбекистон Республикаси субъекти давлат тилида Ўзбекистон Республикаси ва унинг субъекти қонунчилигига мувофиқ тузилади. Ҳужжатлар матнлари сўровнома, жадвал, равон матн ёки уларнинг қўшилмалари кўринишида расмийлаштирилади.

Ҳужжат мазмуни ихчам, қисқа жумлалар ёрдамида мураккаб грамматик тузилмаларсиз баён этилади. Сўровнома шаклида тузилаётган матнда тавсифланаётган объектнинг белги номлари бош келишикдаги от ёхуд иккинчи шахс қўплик сондаги ҳозирги ёки ўтган замон феълидаги сўз бирикмалари ёрдамида ифодалangan бўлиши керак (“эгасиз”, “биласиз” ёки “бўлгансиз”, “боргансиз” ва ҳоказо). Сўз билан ифода этилган тавсифномалар белгиларнинг номлари билан мос келиши керак.

Жадвалнинг устун ва сатрлари бош келишикдаги от орқали ифода этилган сарлавҳага эга бўлиши керак. Устун ва сатрларнинг кичик сарлавҳалари асосий сарлавҳага мос бўлиши керак. Жадвал бир бетдан ортиқ жой эгаллаган ҳолларда устунларга тартиб рақами қўйилади. Кейинги бетларда фақат устунларнинг рақамлари ёзилади. Боғловчи матн одатда икки қисмдан иборат бўлади. Биринчи қисмда ҳужжат тувиш сабаблари, асослари ва мақсадлари, иккинчи (сўнгги) қисмда қарорлар, хulosалар, арзномалар, талаб ва таклифлар кўрсатилади. Матн фақат битта сўнгги қисмдан иборат бўлиши ҳам мумкин (ҳужжат мазмунига тушунтириш ва асослаш зарурати бўлмаса). Масалан, буйруқларнинг фармойиш қисми изохларсиз, хат ва аризалардаги илтимослар тушунтиришларсиз бўлиши мумкин.

Бошқа ташкилотларнинг ёки олдин қабул қилинган ҳужжатлар асосида тайёрланган ҳужжат матнида уларнинг куидаги реквизитлари кўрсатилади: ҳужжат номи, ҳужжат муаллифи ҳисобланган ташкилот номи, ҳужжат санаси, ҳужжатнинг рўйхатдан ўтган рақами, матнга сарлавҳа.

20 Хат матнида айтиб ўтилган илова мавжудлиги тўғрисида белги куидаги усул ёрдамида расмийлаштирилади: **Илова: 5 варақ, 2 нусхада.**

Матнда айтиб ўтилмаган илова ҳужжат таркибида мавжуд бўлган ҳолларда, илованинг номи, вараклар ва нусхалар миқдори кўрсатилади. Бир неча илова мавжуд бўлган ҳолларда, уларга тартиб рақамлари қўйилади. Китобчага бирлаштирилган иловаларда вараклар сони кўрсатилмайди.

21 “Имзо” реквизити қуидагилардан иборат: ҳужжатни имзолайдиган шахснинг эгаллаган лавозими (бланкда расмийлаштирилганда -

қисқартирилган, бланксиз расмийлаштирилган ҳужжатда – тўлиқ) номи; шахсий имзо шарҳи (исм-шарифи ва фамилияси).

22 Ҳужжатни келишиш ҳужжат лойиҳасини дастлабки кўриб чиқиш ва баҳолаш усули ҳисобланади.

Ҳужжатни ташкилот ичида (турли таркибий бўлинмалар ва мансабдор шахслар билан) ва ташқарида (ваколат доирасига мувофиқ, ҳужжат лойиҳасидаги масалаларга бевосита алоқаси бўлган, тасарруфдаги ва тасарруфда бўлмаган ташкилотлар билан) ҳам келишиш мумкин. Ташқи келишиш келишилганлик грифи, келишиш маълумотномаси, келишиш варағи ёки ҳужжат лойиҳасини коллегиал органнинг мажлисида муҳокама қилинганлик баённомасини тақдим этиш билан расмийлаштирилиши мумкин.

Келишиш грифи “КЕЛИШИЛДИ” сўзи, келишувчи мансабдор шахснинг исми шарифи бош ҳарфлари, фамилияси, лавозими (ташкилот номи билан бирга), шахсий имзо, имзо шарҳи (фамилияси, исмиғшарифи) ва келишилган санадан иборат бўлади, масалан:

23 Ҳужжатни келишиш жараёни уни келишиш визаси (кейинги ўринларда - виза) билан расмийлаштирилиб, қуидагилардан иборат бўлади: виза қўювчининг шахсий имзоси, виза қўйиш санаси, зарур ҳолларда виза қўювчининг лавозими қўрсатилади. Имзога шарҳ (исм-шарифи, фамилияси) бўлиши шарт.

Ҳужжат лойиҳасига мулоҳаза ва қўшимчалар алоҳида варақда баён қилиниб, бу хусусда лойиҳага тегишли белги қўйилади. Асл нусхаси ташкилотда қолдириладиган ҳужжат учун визалар ҳужжат асл нусхасидаги охирги варақнинг орқа томонида, пастки қисмга қўйилади. Асл нусхаси ташкилотдан жўнатиладиган ҳужжат учун визалар жўнатилаётган ҳужжат нусхасининг олди томонини пастки қисмига қўйилади. Ҳужжат визалари алоҳида келишиш варағида расмийлаштирилиши мумкин. Ташкилот ҳоҳишига кўра ҳужжатнинг ва унга илованинг ҳар бир варағида виза қўйилиши мумкин.

24 Мансабдор шахсларнинг хуқуқларини тасдиқлайдиган пул маблағлари ва моддий бойликлар- сарф этилаётганини акс эттирувчи, шу жумладан хуқуқий далолатномалар билан кўзда тутилган ҳужжатларда масъул шахснинг имзоси гербли муҳр билан тасдиқланади. Муҳр шакли ҳужжатни имзолайдиган шахс лавозими номининг бир қисмини қамраб оладиган қилиб қўйилади. Муҳрни сақлаш жойи ва сақлаш учун жавобгар бўлган шахс ташкилот раҳбари томонидан белгиланади.

25 Ташкилот фақат ўзида яратилган ҳужжатлардангина нусха олиши мумкин (ушбу қоида архив муассасалари ва нотариал идораларга тааллуқли эмас).

Фуқароларни ишга, ўқишига қабул қилиш, уларнинг меҳнат, яшаш ва бошқа хуқуқларини қондиришга тегишли бўлган ишларни ҳал этишда, ташкилот бошқа ташкилотлар томонидан берилган ҳужжатлардан, амалдаги қонунларга мувофиқ нусха олиши мумкин (олинган маълумот тўғрисида гувоҳнома, диплом ва ҳоказо).

Хужжат нусхаси ташкилот ёки таркибий бўлинма раҳбарининг рухсатномаси асосида олинади ва берилади. Хужжатлардан нусха тўлиқ, бланк қисмлари билан бирга, қўлёзма ёки машина ёзуви шаклида, компьютер ёки оператив полиграфия воситалари орқали олинади. Хужжат нусхасининг биринчи варағида “нусха” белгиси қўйилади. Нусха асл хужжатга мос эканлиги тасдиқланганда “Имзо” реквизитидан қўйида “Аслига тўғри” тасдиқ ёзуви, тасдиқловчи шахснинг лавозими, имзога шарх (исм-шарифи, фамилияси), шахсий имзоси, тасдиқлаш санаси қўйилади, Чиқиши хужжатининг нусхаси хужжат тузувчиларнинг ва келишувчиларнинг визаларини ўз ичига олади. Унга асл нусхани имзолаш давомида киритилган барча тузатишлар киради. Бланк матни кўчирилмайди, унинг ўрнига имзолаш санаси ва рўйхатлаш индекси қўйилади.

Асл нусхадаги имзо факсимил берилмасдан (кўрсатилмасдан) кўпайтирилган хужжатлар муҳр билан тасдиқланади.

Хужжатлар бошқа ташкилотларга юбориладиган ҳолларда ёки қўлига бериладиган нусхада тасдиқ имзоси муҳр билан тасдиқланади.

26 Ижрочи тўғрисидаги белги хужжат ижрочиси (тузувчи) нинг фамилияси ва хизмат телефон рақамларидан иборат бўлади. Ижрочи тўғрисидаги белги хужжат охирги варағининг олд ёки орқа томонида, пастки чап бурчагига қўйилади/

27 Хужжатни ижро этиш ва йиғмажилдга жойлаш тўғрисидаги белги қуидаги маълумотлардан иборат бўлади: ижро қилинганига гувоҳлик берадиган хужжатнинг санаси ва рақамига ҳавола ёки шундай хужжат мавжуд бўлмаган ҳолда, ижро қилиш ҳақида қисқача маълумот; “йиғмажилдга” сўзи; хужжат сақланадиган йиғмажилд рақами.

Хужжатни ижро этиш ва йиғмажилдга жойлаш тўғрисидаги белги хужжат ижрочиси ёки хужжат ижро этилган таркибий бўлинма раҳбари томонидан имзоланади ва сана қўйилади.

28 Хужжатнинг ташкилотга келиб тушиши тўғрисидаги белги навбатдаги тартиб рақамини ва келиб тушиш санасини (зарур ҳолларда соат ва дақиқаларни) ўз таркибига олади. Хужжатнинг ташкилотга келиб тушиш белгисини штамп шаклида қўйиш мумкин.

29 Хужжатнинг электрон нусхаси идентификатори - хужжатнинг ҳар бир бетида, пастки чап бурчагида қўйиладиган, ахборот ташувчидаги файл номи, санасини ва ташкилотда ўрнатилган бошқа қидирув маълумотларини ўз ичига оладиган белги (колонтитул) ҳисобланади.

### **3.3. Бланклар турлари, бланкаларга қўйиладиган талаблар ва улардан тўғри фойдаланиш.**

Ташкилот ва унинг таркибий бўлинмалар учун қуидаги бланк турлари белгиланган:

- хат бланки;
- умумий бланк (бошқа ташкилий-фармойиш хужжатлари турлари учун).

Хужжатларнинг аниқ турларини бланклари ушбу ҳужжатлар йилига 200 дан ортиқ тузиладиган ҳолларда ишлаб чиқарилиши мумкин.

Хужжат бланкларининг икки турдаги стандарт шакли мавжуд – A4 (210 x 297 mm) ва A5 ( 148 x 210 mm).

Реквизитларнинг жойлаштирилишига кўра икки вариантдаги бланклар мавжуд – реквизитлар бурчакда ( А.1- расм) ва реквизитлар энига ( А.2-расм) жойлаштириладиган.

Бланк ёки бланксиз расмийлаштирилган хужжатнинг ҳар бир варафида қўйидаги четки чегаралар бўлиши керак:

чапдан – 20 mm; юқоридан -10 mm дан кам эмас; ўнг ва пастдан -8 mm дан кам эмас.

Хужжатлар бланклари оқ ёки очик рангли қоғозда ишлаб чиқарилиши керак.

Умумий бланклардан хатдан ташқари барча хужжатларда фойдаланилади.

Умумий бланклар ташкилотнинг таъсис ҳужжатлари турига қараб 01 (02 ёки 03), 04, 05, 06, 07, 09, 10,11,13 реквизитларини ўз ичига олиши мумкин.

Ташкилот таъсис ҳужжатлари турига қараб, хат бланки 01 (02 ёки 03), 04, 05, 06, 07, 08, 10,11,12, 15 реквизитларни ва заруратга қараб 10, 11, 12, 14 , 15, 18, 19 реквизитларининг жойлашиш зонасини юқори чегаралар учун чегаралаш белгиларини ўз ичига олади.

Чет эл мамлакатлари билан илмий, ишлаб чиқариш, маданий ва бошқа алоқаларда бўладиган Ўзбекистон Республикаси ташкилотлари учун энига ишлатиладиган бланклардан фойдаланиш мақсадга мувофиқ; бу ҳолда 06, 07, 08, 15 реквизитлари икки тилда босиб чиқарилади: бир хил қаторда, чет тилида (ўнг томонда) ва ўзбек тилида (чап томонда ).

Хужжатлар икки ёки ундан ортиқ бетларни эгаллаган ҳолларда иккинчи ва кейинги бетларга араб рақамлари қўйилади.

Реквизитлари бурчакда жойлашган бланкларда давлат гербининг тасвири бланкнинг юқори қисмида, ташкилот номи ёзилган сатр марказидан юқорига қўйилади. Энига ишлатиладиган бланкларда давлат гербининг тасвири юқори чегаранинг марказига қўйилади. Бунда тасвирининг диаметри 20 mm дан ортиқ бўлмаслиги керак.

Ташкилот эмблемаси сифатида белгиланган тартибда рўйхатга олинган савдо белгиси (хизмат белгиси)дан фойдаланиш мумкин. Эмблема тасвири ташкилот номи билан бир қатор даражасида жойлаштирилади.

Ўзбекистон Республикаси Давлат герби ва Ўзбекистон Республикаси субъекти герби тасвирига эга бўлган бланкларни ҳисобга олиш, улардан фойдаланиш ва сақлашга бўлган талаблар ҳам мавжуд. Хусусан, Ўзбекистон Республикаси Давлат герби ва Ўзбекистон Республикаси субъекти герби тасвирига эга бўлган бланклар ҳисобга олиниши лозим.

Герб тасвирига эга бўлган бланкларда босмахона усули ёки нумератор орқали тартиб рақамлари қўйилиши керак, зарур бўлган ҳолларда ушбу рақамларнинг сериялари ҳам қўйилади. Герб тасвирига эга бўлган бланклар

хисоби уларнинг турига қараб алоҳида рўйхатлаш – хисобга олиш шаклида (варакача, журнал), хисобга олинади, бунда қуйидаги реквизитлардан фойдаланилади:

**бланклар қабул қилинганда (босмахона усули билан ишлаб чиқарилган ҳолда):**

- гербли бланк турининг номи;
- қабул қилиш санаси;
- кузатув ҳужжатининг тартиб рақами;
- гербли бланклар билан таъминлайдиган ташкилот номи;
- нусхалар сони;
- гербли бланкларнинг серия ва рақамлари;

**бланклар берилганда (ишлаб чиқариш усулидан қатъий назар):**

- гербли бланк турининг номи;
- нусхалар сони;
- гербли бланкларнинг серия ва рақамлари;
- гербли бланкни қабул қилиб оловчи ташкилот таркибий

бўлинмасининг номи, мансабдор


шахснинг исми, шарифи ва фамилияси;

- олганлиги ҳақида тилхат;
- изоҳ (йўқ қилиниши ҳақида белги ва ҳоказо).


Гербли бланклар мустаҳкам беркитиладиган ва муҳрланадиган шкафлар ичida сақланиши керак. Гербли бланкларни йўқ қилиш далолатнома асосида, хисобга олиш – рўйхатлаш шаклига белги қўйилиб амалга оширилади. Гербли бланкларни ишлаб чиқариш, сақлаш ва улардан фойдаланиш устидан назорат қилишни ташкилотдаги иш юритишга масъул бўлган бўлимга юклатилади. Бланкларни хисобга олиш, сақлаш ва улардан фойдаланишга алоҳида жавобгар шахслар ташкилот раҳбарининг фармойиш ҳужжати билан тайинланади. Гербли бланкларни рўйхатлаш – хисобга олиш шаклларини ташкилотнинг йиғмажиллар номенклатурасига киритилади.

## Күргазмали воситалар, илова ва тарқатма материаллар

А Илова  
(маълумот тариқасида)  
Хужжатлар реквизитларини жойлаштириш чизмаси



А 1 расм. А 4 форматли, реквизитлар бурчакда жойлаштирилган бланкларда реквизитларининг жойлашиши ва чегаралари.



А 2 расм. А 4 форматли, ревизитлар энига жойлаштирилган бланкларда реквизитларнинг жойлашиши ва чегаралари.

В Илова  
(маълумот тариқасида)  
Хужжатлар бланклари намуналари

Ўзбекистон Республикаси  
*Герби*

Ўзбекистон Республикаси  
Вазирлар Маҳкамаси хузуридаги  
“Ўзархив” Агентлиги  
(“Ўзархив” Агентлиги)

№\_\_\_\_\_

Тошкент ш.

В.1 расм. Реквизитлар энига жойлаштирилган ташкилотнинг умумий бланки намунаси.

*Ўзбекистон Республикаси  
Герби*

Ўзбекистон Республикаси  
Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги  
“Ўзархив” Агентлиги  
(“Ўзархив” Агентлиги)

№\_\_\_\_\_

Тошкент ш.

В.2 -расм. Реквизитлар бурчакда жойлаштирилган ташкилотнинг умумий бланки намунаси.

Ўзбекистон Республикаси  
Герби

Ўзбекистон Республикаси  
Вазирлар Махкамаси ҳузуридаги  
“Ўзархив” Агентлиги  
(“Ўзархив” Агентлиги)  
Тел/факс (371) 277-13-35

Web: [www.archiv.uz](http://www.archiv.uz), e-mail: [uzarchive@uzsci.net](mailto:uzarchive@uzsci.net)  
СТИР 000185141, МФО 00423, X/P 23404000900101017181

№ \_\_\_\_\_  
даги № \_\_\_\_\_ га

В.3 -расм. Реквизитлар энига жойлаштирилган ташкилот хатининг бланки  
намунаси.

*Ўзбекистон Республикаси  
герби*

Ўзбекистон Республикаси  
Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги  
“Ўзархив” Агентлиги  
(“Ўзархив” Агентлиги)  
Чилонзор кўчаси, 2 уй, Тошкент, 100043  
Тел./факс (371) 277-13-35  
Web: [www.archiv.uz](http://www.archiv.uz)  
E-mail:[uzarchive@uzsci.net](mailto:uzarchive@uzsci.net)  
СТИР 000185141, МФО 00423  
Х/Р 23404000900101017181

№ \_\_\_\_\_

В.4- расм. Реквизитлар бурчақда жойлаштирилган ташкилот хатининг бланки намунаси.

### **Назорат саволлари ва вазиятли масалар:**

1. Ўзбекистоннинг 1157-2008 стандарти бўйича қабул қилинган 30 та реквизитдан 15 тасини изоҳлаб санаб беринг?
2. Агар сиз бирхил мазмунда хат тайёрлаб уни 7 та манзилга юбормоқчи бўлсангиз хатни расмийлаштириш жараёнини қандай олиб борасиз, жўнатишни қандай ташкил этасиз, давлат стандарти 1157-2008 талабларига кўра бир мазмундаги хатларни 4 тадан ортиқ манзилга юборилмаслиги белгиланган? Бу вазиятда сиз қандай қилиб тўғри йўл тутасиз?
3. Расмий бланкларни икки хил турининг фарқлари нималардан иборат?

### **Адабиётлар рўйхати:**

1. Ўзбекистон стандартлаштириш давлат тизими. Ҳужжатларни унификациялаштириш тизими. ТАШКИЛИЙ-ФАРМОЙИШ ҲУЖЖАТЛАР ТИЗИМИ. Ҳужжатларни расмийлаштиришга бўлган талаблар. 1157-2008.
2. АРХИВ ИШИ ВА ИШ ЮРИТИШ. Атамалар ва таърифлар. 2436-2012.
3. Храмцовская, Н.А. Международные стандарты по делопроизводству / Н.А. Храмцовская // Секретарь-референт. – 2006. – № 12.
4. Тўхлиев Н. Иш юритиш. – Тошкент, 2015.
5. [http://www.profiz.ru/sr/5\\_2008/problemy\\_sovr\\_deloproizv/](http://www.profiz.ru/sr/5_2008/problemy_sovr_deloproizv/)

## **4-МАВЗУ: БОШҚАРУВ ҲУЖЖАТЛАРИ ТУРЛАРИ ВА УЛАРНИ РАСМИЙЛАШТИРИШ ТАЛАБЛАРИ. БУЙРУҚЛАР ВА БАЁННОМАЛАР ТУЗИШ. РАСМИЙ ХАТЛАРНИ ЙОРИТИШ. БОШҚАРУВ ҲУЖЖАТЛАРИНИ ҲИСОБИНИ ЙОРИТИШ.**

### **РЕЖА:**

- 4.1. Ички ҳужжатлар ва ташқи ҳужжатлар билан ишлаш тартиблари. Уларни рўйхатлаш.*
- 4.2. Ташқи ҳужжатларни қайд этиши ва назоратга олиш. Ижро интизоми ва бу борадаги норматив ҳужжатлар билан ишлаш*
- 4.3. Электрон ҳужжат аламашинуви, электрон рақамли имзо*

**Таянч иборалар:** ички ва ташқи ҳужжатлар, қайд этиши, ижро, назорат, мониторинг, электрон рақамли имзо, электрон ҳужжат.

### **4.1. Ички ҳужжатлар ва ташқи ҳужжатлар билан ишлаш тартиблари. Уларни рўйхатлаш.**

Ҳужжатларнинг ҳаракати ва оқими, ҳусусан ички ва ташқи ҳужжатлар билан ишлаш тартиблари ЎзР ВМнинг 29.03.1999 йилдаги 140-сонли қарори билан тасдиқланган “Ўзбекистон Республикаси вазирликлари, давлат қўмиталари, идоралари, корпорациялари, концернлари, уюшмалари, компаниялари ва бошқа марказий муассасалари аппаратларида иш юритиш ва ижро назоратини ташкил этиш бўйича НАМУНАВИЙ ЙЎРИҚНОМА”га мувофиқ ташкил этилади.

Мазкур Намунавий йўриқнома Ўзбекистон Республикасининг вазирликлари, давлат қўмиталари, идоралари, корпорациялари, концернлари, уюшмалари, компанияларида ва бошқа марказий муассасаларида ҳужжатларни тайёрлаш қоидалари, усуллари ва жараёнларини, улар билан ишлаб тартибини белгилайди. Иш юритишнинг аҳволи учун жавобгарлик ишлар бошқармаси, умумий бўлим, канцелярияга, котибга; шахсан - мазкур таркибий бўлинманинг раҳбари зиммасига юкландади.

Бошқарув ҳужжатларининг таркиби: ташкилотларнинг ваколатлари ва функциялари билан; бошқарув функцияларини амалга ошириш бўйича бошқарув ҳаракатлари доираси билан; масалаларни (якка бошчилик ёки коллегиал ҳолда) ҳал қилиш тартиби билан; уставлар, низомлар ва бошқа меъёрий ҳужжатлар билан тасдиқланган бир ёки турли даражадаги бошқарув ташкилотлари ўртасидаги ўзаро алоқаларнинг ҳажми ва хусусияти билан белгиландади.

Жўнатиладиган ва ички ҳужжатларни тузиш ва расмийлаштириш Ҳужжатлар тегишли бланкаларга ёзилади. Ташкилотларнинг бланкларидаги доимий реквизитлари давлат тилида ёзилади. Ҳужжат

муаллифи ташкилот номи ва унинг коди ташкилот тўғрисида низом (устав)га корхоналар ва ташкилотлар умумий классификаторига мувофиқ кўрсатилади. Улар, қоидага кўра, бланкни тайёрлашда ёздирилган бўлиши керак.

Ҳар бир ҳужжатда (хатлардан ташқари) унинг тури (қарор, фармойиш, буйруқ, баённома, маълумотнома ва шу кабилар) кўрсатилиши керак.

Хужжатлар матнларини икки қисмга ажратиш тавсия этилади: |биринчи қисмда хужжат тузишнинг асослари ёки сабаблари кўрсатилади, иккинчисида - қарорлар, фармойишлар, таклифлар, фикрлар, хуносалар, илтимослар баён этилади.

Агар хужжат мазмунини тушунтириш ва асослаш зарурати бўлмаса, матн битта хulosа қисмдан иборат бўлиши мумкин: буйруқлар таъкидлаш қисмисиз қарор қисми, хатлар - тушунтиришсиз илтимос қисми ва шу қабилар.

Хатларда қуидаги баён этиш шаклларидан фойдаланилади:

биринчи шахс номидан кўплик сонда ("жўнатишни сўраймиз", "кўриб чиқиши учун жўнатмоқдамиз");

биринчи шахс номидан бирлик сонда ("зарур деб ҳисоблайман", "ажратишни сўрайман");

учинчи шахс номидан бирлик сонда ("вазирлик қарши эмас", "Ўздавстандарт" маркази амалга оширса бўлади деб ҳисоблайди")

## Жүннатиладиган хужжатларни ишлаш тартиби

Хужжатларни ишлаш ва жүннатиши амалдаги почта қоидаларига мувофиқ, марказлаштирилган ҳолда ишлар бошқармаси, умумий бўлим, канцелярия, котиб томонидан амалга оширилади.

Конвертга жойлаштиришдан аввал хужжатларнинг тўғри расмийлаштирилганлиги, иловаларнинг борлиги, нусхалар сонининг олувчилик сонига мувофиқлиги текширилади. Тўлиқ расмийлаштирилмаган ёки нотўғри расмийлаштирилган хужжатлар пухта ишлаш учун ижрочига қайтарилиши керак.

Буюртма хат-хабарга жүннатиш рўйхати тузилади, унга экспедиция ходими ўзининг фамилияси ва жүннатиш санасини қўяди.

Машинада ўқиладиган хужжатларни жўнатиш ёзув манбалари ва уларга ёзилган ахборотларни сақлашнинг техник талабларига мувофиқ ҳолда ўрабжойлаб амалга оширилади.

Машинада ўқиладиган ҳужжатларни жүннатиши илова хати бор бўлганда амалга оширилади. Илова хат нусхаси умумий асосларда йиғмажилдга тикилади.

Жүннатиш учун келиб тушадиган ҳужжатлар ўша куннинг ўзида ёки келгуси иш кунидан кечиктирмасдан ишланиши ва жўнатилиши керак.

Таркибий бўлинмалар ўртасида хужжатларни бериш таркибий бўлинмалар инспекторлари (котиблари) ёки иш юритиш учун масъул шахслар оркали амалга оширилади. Хужжатлар тегишли белги қўйилган ҳолда, рўйхатга олинган шаклда берилади.

#### **4.2. Ташки ҳужжатларни қайд этиш ва назоратта олиш. Ижро интизоми ва бу борадаги норматив ҳужжатлар билан ишлаш**

Хужжатларни қабул қилиш ва дастлабки ишлаш марказлаштирилган ҳолда ишлар бошқармаси, умумий бўлим, канцелярия ёки котиб томонидан амалга оширилади.

Хужжатлар солинган конвертлар, шу жумладан буюртма конвертлар ҳам очилади, шу билан бирга унда хужжатлар (иловалари ҳам) борлиги текширилади.

Хужжатлар етишмаслиги ёки яроқсизланганлиги аниқланганда икки нусхада далолатнома тузилади, улардан бири умумий бўлим, канцелярия, котибда қолади, иккинчиси пакет келган ташкилотга жўнатилади.

Адашиб жўнатилган хужжатлар, хужжатга бирга келган конвертни илова қилган ҳолда, белгиланган жойига янги конвертларда жўнатилади ёки юборувчига қайтарилади.

Келиб тушган хужжатлар конвертлари (шу жумладан фуқаролар хатлари) жўнатувчининг манзилини, хужжатнинг жўнатилган ва олинган вақтини, шунингдек шахсий ёки пулинни тўлаб олинадиган хужжатларни фақат конверти бўйича аниқлаш мумкин бўлган ҳолларда йўқ қилинмайди.

Олинган хужжат биринчи варагининг пастки қисмига рўйхатга олиш штампи қўйилади, унда олувчи ташкилотнинг қисқартирилган номи, хужжатнинг келиб тушган санаси ва унинг индекси бўлади.

"Шахсан" устхатли ёки жамоат ташкилотлари номига йўлланган хужжатлар очилмайди ва белгиланган олувчига берилади.

Машинада ўқиладиган хужжатлар келиб тушганда, қўшиб юборилган хужжатлар ишланади, машинада ўқиладиган материаллар жойланган идиши очилмасдан ҳисоблаш маркази (ҲМ)га берилади.

Дастлабки кўриб чиқиш уларнинг мазмунини баҳолашдан келиб чиқкан ҳолда, ташкилотда белгиланган вазифалар тақсимоти асосида амалга оширилади.

Бевосита таркибий бўлинмаларга ёки мансабдор шахсларга йўлланган хужжатлар дастлабки кўриб чиқишларсиз белгиланган олувчига берилади.

Фуқароларнинг таклифлари, аризалари ва шикоятлари фуқароларнинг хатларини кўриб чиқиш бўйича маҳсус бўлинмаларга ёки ишлар бошқармаси, умумий бўлим, канцелярия (котиб)га берилади.

Фуқароларнинг таклифлари, аризалари ва шикоятлари билан ишлашни ташкил этиш, шунингдек ташкилотлар раҳбарлари томонидан фуқароларни қабул қилишни ташкил этиш тартиби алоҳида Низом билан белгиланади.

Ташкилот раҳбариятига ёки аниқ мансабдор шахс ва таркибий бўлинма кўрсатилмасдан юборилган хужжатлар дастлаб ишлар бошқармаси, умумий бўлим, канцелярияда, котиб томонидан кўриб чиқилади.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Аппарати, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ва юқори органлардан олинган ташкилот фаолиятининг асосий масалалари бўйича ахборотлар мавжуд бўлган раҳбарият қарорини талаб этувчи кўриб чиқиш учун раҳбариятга хужжатлар берилади.

Қолган хужжатлар ишлар бошқармаси, умумий бўлим, канцелярия,

котиб томонидан дастлабки кўриб чиқишдан кейин раҳбар ўринбосарларига, улар ўртасида вазифаларнинг тақсимланишига мувофиқ йўлланади.

Хужжатларни ишлаб чиқиш ва ижро этувчиларга бериш уларнинг келиб тушган кунида ёки иш вақти бўлмаган вақтда келиб тушганда биринчи иш кунида амалга оширилиши керак.

Бир нечта таркибий бўлинмалар томонидан ижро этиладиган хужжатлар уларга навбат билан ёки бир вақтнинг ўзида нусхаларда берилади. Хужжатнинг асли резолюцияда биринчи аталган масъул ижро чига берилади. Хужжатларни кўпайтириш зарурати ва нусхалар сони ижрони ташкил этувчи шахс томонидан аниқланади.

Келган хужжатни шошилинч равишда ижро этиш зарурати туғилганда ташкилот раҳбари кўриб чиққунгача унинг мазмуни билан ижрочини танишириб чиқишга йўл қўйилади.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Аппарати, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасидан олинган хужжатлар хужжат олингандан сўнг бир соат мобайнида ижро этувчиларга берилади.

Рўйхатдан ўтказилган барча хужжатларнинг ижро этилиши назорат қилинади. Ижрони назорат қилиш хужжатни назоратга қўйиши, тармоқни ижтимоий-иктисодий ривожлантиришнинг энг муҳим ва устувор масалалари бўйича назорат қилиш режасини ишлаб чиқиш ва амалга ошириши, ижронинг боришини дастлабки текширувни ва тахлини, хужжатлар ижросини назорат қилиш натижаларини ҳисобга олиш ва умумлаштириши, раҳбариятни хабардор қилишни, ўз вақтида ва сифатли ижрони таъминламаган раҳбарлар, мансабдор шахслар ва ходимларга нисбатан шахсан жавобгарлик чораларини кўришни ўз ичига олади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармонлари, фармойишлари ва топшириклари, шунингдек Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг Қарорлари ва Фармойишлари рўёбга чиқарилишини назорат қилиш Вазирлар Маҳкамасининг 1999 йил 12 январдаги 12-сон Қарори билан тасдиқланган Асосий қоидаларга ҳамда ЎзР ВМнинг 28.08.2009 йилдаги Тартибига мувофиқ амалга оширилади.

Ижро этиш муддатлари хужжат имзоланган (тасдиқланган) санадан бошлаб календарь кунларда ҳисобланади.

Ижро этишнинг охирги санаси хужжат матнида ёки раҳбар резолюциясида кўрсатилади.

Вазирлар Маҳкамаси топшириклари хужжат жўнатилган кундан бошлаб 10 календарь кун мобайнида бажарилиши керак, агар бошқа муддат белгиланмаган бўлса.

Қонун хужжатлари ва Ҳукумат қарорларини Ўзбекистон Республикаси қабул қилган қонунларга мувофиқлаштириш бўйича топшириклар бир ой мобайнида бажарилиши керак, агар Олий Мажлис қарорида бошқа муддат назарда тутилмаган бўлса.

Қонунлар лойиҳалари юборилган вазирликлар ва идоралар раҳбарлари - 7 календарь кун мобайнида, қарорлар лойиҳалари бўйича - 3 календарь кун, фармойишларнинг лойиҳалари бўйича эса кўпи билан - 2 календарь кун

мобайнида хулоса беришга мажбурдирлар.

Хужжатларнинг ижро этилишини тўхтатиб қўйиш, шунингдек уларни бекор қилиш ёки ўзгартириш ҳуқуқига фақат юқори ташкилот, хужжатнинг муаллиф ташкилоти ва давлат назорат органлари эгадирлар.

Хужжат вазифалар, топшириқлар, сўровлар бажарилгандан сўнг натижалари манфаатдор муассасаларга ва шахсларга хабар қилингандан кейин ёки ижро бошқа ҳужжатлар тасдиқлангандан сўнг ижро этилган деб ҳисобланади ва назоратдан чиқарилади. Ижро натижалари рўйхатдан ўтказиш-назорат карточкаларида белгиланади.

Назорат карточкалари бўйича ижрочининг назорат қилиниши ва текширилиши лозим бўлган ҳужжатлар рўйхати:

1а, 1б Ўзбекистон Республикаси Президенти Фармонлари, Фармойишлари, топшириқларининг баённомалари, топшириқларига (ёзма ва оғзаки), Ўзбекистон Республикаси Президенти Котибияти ва Давлат маслаҳатчиларининг топшириқлари.

2а, 2б Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг Қарорлари, Фармойишлари, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг ва унинг Раёсати мажлислари баёнлари; Ўзбекистон Республикаси Бош вазири, Бош вазир ўринбосарларининг топшириқлари, ташкилотлар коллегиал органларининг буйруқлари, қарорлари.

За, 3б ташкилотларниг ички ҳужжатлари, буйруқлари, қарорлари.

Назорат қилинадиган ҳужжатлар карточкалари (назорат карточкаси) ҳужжатларни ижро этиш муддатлари, ижро этувчилар, ҳужжатлар гуруҳлари бўйича туркумланади.

Ижронинг боришини текшириш барча босқичларда муддати тугагунгача қуидаги тартибда амалга оширилади: кейинги йиллар топшириқлари - йилига камида бир марта; жорий йилнинг кейинги ойлари топшириқлари - ҳар ойда камида бир марта; жорий ой вазифалари, топшириқлари - ҳар ўн кунда, муддати тугагунга қадар беш кун аввал.

Назорат хизмати (гурухи) таркибий бўлинмаларда ҳужжатларнинг бажарилиши билан боғлик ишларнинг аҳволини доимо таҳлил қиласи, тегишли раҳбарларни улар томонидан таъсирчан чора-тадбирлар кўриш учун ижро интизомининг аҳволи тўғрисида мунтазам равишда хабардор қиласи, кейинги ойда ижро этилиши лозим бўлган Ўзбекистон Республикаси Президенти, унинг аппаратининг назоратидаги топшириқлари, Вазирлар Маҳкамасининг Қарорлари ва Фармойишлари рўйхатини ҳар ойнинг 25 кунида тақдим этади, ҳужжатларни назоратдан чиқариш тўғрисидаги таклифларнинг ўз вақтида тайёрланишини таъминлайди.

Ишлар бошқармаси, умумий бўлим, канцелярия, котиб раҳбар томонидан белгиланган муддатда ҳужжатлар ижросининг бориши ва уларнинг натижалари тўғрисидаги маълумотларни ҳисобга олади ва умумлаштиради.

#### 4.3. Электрон ҳужжат алмашинуви, электрон рақамли имзо

Жамият тараққиётида ахборот-коммунакция технологияларининг аҳамияти бекиёсdir. Шиддат билан кириб келаётган ахборот технологиялари, уларни қўллаш, электрон ҳужжат, электрон ҳужжат айланиши, электрон ҳукумат каби тушунчаларни бугунги кунда ҳамма учун тушунарли ва қулай тарзда ифода қилса бўлади. Жаҳон тажрибасини оладиган бўлсак ҳам, ривожланган давлатларда бугунги кунда қоғоз билан иш юритиш амалиёти анча эскирганлигини, бу давлатларда электрон савдо, электрон мулоқот, интерактив муносабатлар йўлга қўйилганлигини кўришимиз мумкин. Шундай экан, бу тараққиётдан холи қолмаётган МДҲ давлатлари, хусусан Ўзбекистонда ҳам шу қаби қатор ишлар амалга оширилаётганлиги айни ҳақиқатdir.

Хусусан, 2003 йил 11 декабрда қабул қилинган “Электрон рақамли имзо тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикасининг Конуни, 2004 йил 29 апрелда қабул қилинган “Электрон ҳужжат айланиши тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикасининг Конуни, 2013 йил 11 декабрдаги “Ахборотлаштириш тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикасининг Конунлари жамиятимизда ахборот технологияларини кенг қўллаш, иш самарадорлигини ва сифатини, тезкорликни таъминлаш борасидаги муҳим ўзгаришларга туртки берувчи ва асос бўлувчи ҳужжат сифатида қабул қилинди.

Электрон рақамли имзо — электрон ҳужжатдаги мазкур электрон ҳужжат ахборотини электрон рақамли имзонинг ёпиқ калитидан фойдаланган ҳолда маҳсус ўзгартириш натижасида ҳосил қилинган ҳамда электрон рақамли имзонинг очиқ калити ёрдамида электрон ҳужжатдаги ахборотда хатолик йўқлигини аниқлаш ва электрон рақамли имзо ёпиқ калитининг эгасини идентификация қилиш имкониятини берадиган имзо;

электрон рақамли имзонинг ёпиқ калити — электрон рақамли имзо воситаларидан фойдаланган ҳолда ҳосил қилинган, фақат имзо қўювчи шахснинг ўзига маълум бўлган ва электрон ҳужжатда электрон рақамли имзoni яратиш учун мўлжалланган белгилар кетма-кетлиги;

электрон рақамли имзонинг очиқ калити — электрон рақамли имзо воситаларидан фойдаланган ҳолда ҳосил қилинган, электрон рақамли имzonинг ёпиқ калитига мос келувчи, ахборот тизимининг ҳар қандай фойдаланувчиси фойдалана оладиган ва электрон ҳужжатдаги электрон рақамли имzonинг ҳақиқийлигини тасдиқлаш учун мўлжалланган белгилар кетма-кетлиги;

электрон рақамли имzonинг ҳақиқийлигини тасдиқлаш — электрон рақамли имzonинг электрон рақамли имзо ёпиқ калитининг эгасига тегишлилиги ва электрон ҳужжатдаги ахборотда хатолик йўқлиги

текширилгандаги ижобий натижа;

электрон хужжат — электрон шаклда қайд этилган, электрон рақамли имзо билан тасдиқланган ҳамда электрон хужжатнинг уни идентификация қилиш имконини берадиган бошқа реквизитларига эга бўлган ахборот.

Электрон хужжат айланиши электрон хужжатларни ахборот тизими орқали жўнатиш ва қабул қилиб олиш жараёнлари йифиндисидан иборат бўлади. Электрон хужжат айланишидан битимлар тузиш (шу жумладан шартномалар тузиш), ҳисоб-китобларни, расмий ва норасмий ёзишмаларни амалга ошириш ҳамда бошқа ахборотни узатишда фойдаланиш мумкин.

Электрон хужжатнинг мажбурий реквизитлари қуидагилардан иборат:

электрон рақамли имзо; электрон хужжатни жўнатувчи юридик шахснинг номи ёки электрон хужжатни жўнатувчи жисмоний шахснинг фамилияси, исми, отасининг исми; электрон хужжатни жўнатувчининг почта ва электрон манзили; хужжат яратилган сана.

Қонун хужжатларида ёки электрон хужжат айланиши иштирокчиларининг келишуви билан электрон хужжатнинг бошқа реквизитлари ҳам белгиланиши мумкин.

Электрон хужжат қоғоз хужжатга tengлаштирилади ва у билан бир хил юридик кучга эга бўлади.

Электрон хужжатнинг бир хил ҳар қайси айнан нусхаси, башарти у белгилangan тартибда хақиқий деб тасдиқланган бўлса, асл нусхадир.

Электрон хужжатнинг қоғоз нусхаси бўлиши мумкин. Электрон хужжатнинг қоғоз нусхаси қонун хужжатларида белгилangan тартибда тасдиқланади ва сақланади.

Электрон хужжат, агар у бевосита электрон хужжатни жўнатувчи ёки унинг ахборот воситачиси томонидан жўнатилган бўлса, жўнатилган деб ҳисобланади. Агар қонун хужжатларида ёки тарафларнинг келишувида бошқача қоида назарда тутилмаган бўлса, электрон хужжатни жўнатувчи томонидан унинг бекор қилиниши мумкин бўлмаган жўнатилиш вақти электрон хужжатни жўнатиш вақти деб ҳисобланади.

Агар қонун хужжатларида ёки тарафларнинг келишувида бошқача қоида назарда тутилмаган бўлса: электрон хужжатни қабул қилиб оловчи томонидан кўрсатилган ахборот тизими орқали электрон манзил бўйича электрон хужжат келиб тушган вақт электрон хужжат қабул қилиб олинган вақт деб ҳисобланади; электрон хужжат, агар электрон хужжатнинг қабул қилиб олинишини таъминлаган ахборот тизими ҳатто бошқа ерда жойлашган бўлса ҳам, электрон хужжатни қабул қилиб оловчи турган жойда қабул қилиб олинган деб ҳисобланади.

## **Кўрганзмали воситалар, илова ва тарқатма материаллар**

**Келиб тушган хужжатларни қайд этиш дафтары**  
**(реквизитлари)**

№	Хужжат қабул килингандан сана ва индекс	Хужжат юборган ташкилот номи ё хужжат муалифи	Хужжатниң санаси ва хос рақами	Хужжатнинг қисқача мазмуни ва унда белгиланган муддат	Рахбар топшириғин инг мазмунни ва муддати	Ижрочи ва унинг имзоси	Топширикнинг ижро холати	Изоҳ
1	2	3	4	5	6	7	8	9

**Юбориладиган хужжатларни қайд этиш дафтары**  
**(реквизитлари)**

№	Хужжат юборилаётган ташкилот номи ё хужжат муалифи	Хужжат нинг санаси ва хос рақами	Хужжатнинг қисқача мазмуни	Хужжатнинг қайси топшириқка жавоб бўлаётганлиги	Ижрочи ва унинг имзоси	Махсус бланк рақами	Изоҳ
1	2	3	4	5	6	7	8

**Назорат саволлари ва вазиятли масала:**

1. Ташкилотда ҳужжатлар ҳаракати қандай ташкил этилиши мумкин?
2. Ташкилот девонхонасига бирор ҳужжат кирим қилинадиан бўлса, дастлаб ҳужжат рўйхтадан ўтказиладими ёки раҳбарга киритиладими?
3. Ижро назорати нима учун керак, бу борада қандай ҳукумат ҳужжати қабул қилинган?
4. Назорат карточкалари турларини санаб беринг ва уларни бир биридан фарқланг
5. Электрон ҳужжат бу қандай ҳужжат, қоғоз ҳужжат билан қандай жиҳатлари билан фарқланади, асослари?

#### **Адабиётлар:**

1. “Электрон рақамли имзо тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикасининг Қонуни. 2003 йил 11 декабрда қабул қилинган.
2. “Электрон ҳужжат айланиши тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикасининг Қонуни. 2004 йил 29 апрелда қабул қилинган
3. “Архив иши тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикасининг Қонуни. 2010 йил 15 июнда қабул қилинган.
4. “Ахборотлаштириш тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикасининг Қонуни. 2013 йил 11декабрда қабул қилинган.
5. «Ўзбекистон Республикаси давлат ҳокимияти ва бошқарув органларида иш юритиш ва ижро назоратини ташкил этиш бўйича норматив ҳужжатларни тасдиқлаш ҳақида»ги 140-сонли қарор. 1999 йил 29 марта қабул қилинган.
6. АРХИВ ИШИ ВА ИШ ЮРИТИШ. Атамалар ва таърифлар. 2436-2012.
7. Храмцовская, Н.А. Международные стандарты по делопроизводству / Н.А. Храмцовская // Секретарь-референт. – 2006. – № 12.
8. Тўхлиев Н. Иш юритиш. – Тошкент, 2015.

**5-МАВЗУ: ЮРИДИК ВА ЖИСМОНИЙ ШАХСЛАР  
МУРОЖААТЛАРИНИ БАЖАРИШ. МУРОЖААТЛАР ТУРЛАРИ.  
УЛАР БИЛАН ИШЛАШ ТАРТИБИ ВА КЕЛИБ ТУШГАН  
МУРОЖААТЛАРГА ЖАВОБ РАСМИЙЛАШТИРИШ**

**РЕЖА:**

- 5.1. Ўзбекистонда амалдаги иш юритиш сиёсатининг олиб борилиши
- 5.2. Иш юритишда жаҳон тажрибаси: АҚШ, Германия, Италия, Англия, Хитой, Қирғизистон ва Россия

**Таянч иборалар:** электрон ҳукумат, иш юритиш, электрон ҳужжатлар, электрон тижорат, стандартлар.

**5.1. Ўзбекистонда амалдаги иш юритиш сиёсатининг олиб борилиши**

Жамиятнинг тараққий этиши ҳар жабҳада фаолият юритаётган соҳалар ривожи, хусусан ахборот-телекоммуникация технологияларни қўллаш ва улардан самарали фойдаланиш билан бевосита боғлиқ. Бугунги кунда ҳужжатларни юритиш, иш юритиш хизматини ташкил этишда ҳам ахборот телекоммуникация воситаларининг ўрни ва роли муҳим аҳамият касб этади. Жамиятнинг бир бўлаги сифатидаги ҳар бир корхона ва ташкилотда ҳам ана шундай ҳужжатлар яратилади, ҳужжатлардаги акс эттирилган ҳар бир маълумот эса ахборот ресурслари ҳисобланади. Ўзбекистон Республикасининг 15.06.2010 йилдаги “Архив иши тўғрисида”ти Қонунга кўра иш юритиш - юридик шахснинг ҳужжатлаштириш ва расмий ҳужжатлар билан ишлашни ташкил этиш фаолиятини таъминлаб берувчи жараён маъносини билдиради.

Республикамида иш юритиш тизимини тартибга солувчи қатор норматив ҳужжатлар қабул қилинган бўлиб, булардан энг дастлабки ва энг асосийси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1999 йил 29 мартағи “Ўзбекистон Республикаси давлат ҳокимияти ва бошқарув органларида иш юритиш ва ижро назоратини ташкил этиш бўйича норматив ҳужжатларни тасдиқлаш ҳақида”ти 140-сонли қароридир. Мазкур қарор 2-иловаси билан “Ўзбекистон Республикаси вазирликлари, давлат қўмиталари, идоралари, корпорациялари, концернлари, уюшмалари, компаниялари ва бошқа марказий муассасалари аппаратларида иш юритиш ва ижро назоратини ташкил этиш бўйича Намунавий Йўриқнома” тасдиқланди ва барча корхона ва ташкилотлар иш юритиш хизматлари ишига тадбиқ этилди.

Бундан ташқари, маҳаллий давлат стандартларидан “Хужжатларни расмийлаштиришга бўлган талаблар” О’zDst 1157-2008 ва “Архив иши ва иш юритиши. Атамалар ва таърифлар” О’zDst 2436-2012 кабилар қабул қилинган ва жорий этилган. Кейинги йилларга келиб эса замон талабларидан келиб чиқиб ҳамда жаҳон тажрибасига таянган холда 2003 йил 11 декабря Ўзбекистон Республикасининг “Электрон рақамли имзо тўғрисида”ги, 2004 йил 29 апрелда “Электрон ҳужжат айланиши тўғрисида”ги ва 2013 йил 11 декабря “Ахборотлаштириш тўғрисида”ги Қонунлари қабул қилинди. Шу билан бирга, 2010 йил 15 июнда “Архив иши тўғрисида”ги Қонун қабул қилинди ва бу қонун билан Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги “Ўзархив” агентлигигига архив иши ва иш юритиш соҳасида ягона давлат сиёсатини амалга ошириш ваколати берилди. Бундан кўринадики, Ўзбекистон Республикасида ҳужжатлаштириш ишларини олиб бориш, иш юритиш хизматини тўлақонли ташкил этиш борасида норматив – ҳуқуқий база тўлиқ шакллантирилган. Бу эса республикамизда бошқарувнинг ҳужжатли таъминоти масалаларида замонавий тенденцияларга асосланган холда иш олиб борилаётганлигини ва жаҳон хамжамияти билан қадам бақадам бораётганлигини билдириб турибди. Бунинг амалий исботини эса ривожланган давлатларнинг айримларидаги иш юритиш хизматини қандай йўлга қўйилганлигини ўрганиш орқали кўриш мумкин.

## **5.2. Иш юритишида жаҳон тажрибаси: АҚШ, Германия, Италия, Англия, Хитой Қирғизистон ва Россия**

Америка Кўшма Штатларида ҳужжатлар билан ишлашдаги дастлабки реформалар 1980 йилларида бошланди. Бу пайтга келиб ҳужжатлар билан ишлашни қисқартиришга қаратилган қонун («Закон о сокращении работы с документами») қабул қилинди. Бу қонун асосан бошқарувда ҳужжатли таъминотни камайтириш масаласидаги ягона ҳуқуқий ҳужжат бўлиб ҳисобланди ва у билан ҳукуматда асосан маълумот ва ахборотлар электрон кўринишида шакллантирилиб, фойдаланила бошланди. АҚШ давлатида қоғоз ҳужжатларни яратиш, иш юритиш хизматини олиб бориш масалаларида архив идораларининг роли катта ҳисобланади. АҚШ қонунчилигига кўра АҚШ Миллий архивида ҳужжатларни бошқариш ишини назорат қилувчи ва мувофиқлаштириб турувчи алоҳида таркибий бўлинма иш олиб бориши белгиланган. Мазкур таркибий бўлинма томонидан девонхона ишини ташкил этишида йўл қўйиладиган камчиликлар аниқланади ва уларни бартараф этиш бўйича чоралар кўрилади.

Германия Федератив Республикасида эса ўз даврида, яъни 1926 йилдан иш юритишининг умумий тартибларига доир қонун амалга киритилган. 1958 йилда эса бу қонун янада такомиллаштирилган, 1961 йилга келиб Германияда Ҳужжатлаштириш институти ташкил этилди. 1963 йилда эса

Германиянинг илм-фан вазирлиги хузурида хужжатлаштириш бўлими очилди. 1970 йилда хукуматнинг қарори билан миллий ахборот тизимини яратиш бўйича таклифлар ишлаб чиқиш мақсадида идоралараро ишчи гуруҳ ташкил этилди. Натижада мазкур ишчи гурух томонидан амалга оширилган ишлар ва изланишлар кенг ўрганилиб, 1974-1977 йилларга мўлжалланган хужжатли ахборотларни химоя қилиш ва қўллаб қувватлаш дастури қабул қилинди. Бундан ташқари, 1980 йилда, 1990 йилда ҳам ана шундай хужжатли ахборотлар билан ишлаш, ахборотлар миллий базасини яратиш ва ахборот хавфсизлиги масалаларига доир ҳукумат дастурлари қабул қилиниб борди. 1995 йилда Германия қонунчилигида Иш юритишнинг Ягона тизими яратилди. 2000 йилнинг 25 июляда Германия ҳукуматининг “Замонавий давлат – замонавий бошқарув” деб номланган давлат дастури доирасида қоғоз асосидаги хужжатлар билан биргаликда электрон асосдаги хужжатларга ишлов беришдаги асосий жараёнларни ўзида акс эттирган умумий Қоидалар қабул қилинди. 2001 йилда “Имзолар ҳақида”ти Қонун қабул қилинди ва бу қонун билан электрон имзо орқали электрон хужжатлар билан ишлаш тизими жорий этилди. 1997 йилда қабул қилинган “Электрон имзо ҳақида”ти қонун талабларидан ҳам мукаммалроқ ишланган бу қонун асосан савдо ва тижорат ҳамда суд-хуқуқ тизими учун қўл келиши белгилаб қўйилди.

Италия давлати иш юритишни ривожланиши тарихига алоҳида хисса қўшган Европа давлатлари қаторидаги тарихий давлат ҳисобланади. Рим республикаси ва Рим империяси даврларида хужжатлаштириш ишларини ривожланиши кузатилган ва замонавий иш юритиш тизими XIX аср охиридан йўлга қўйила бошланган. 1861 йилдаёқ Италия ҳукумати Рим шаҳрида Марказий давлат архивини ташкил этди. Мазкур архив Италия ҳукуматига доир марказий бошқарув органлари хужжатларини сақлаш билан шуғулланди. Бундан ташқари, Архив Италия худудидаги барча давлат архивлари ишини бошқаради ва назорат қилиб боради ҳамда бутун республика бўйича иш юритиш тизимини шакллантиради. Италия давлатида бошқарувнинг хужжатли таъминоти тарихи қадим давлатга бориб тақалсада, нисбатан замонавий иш юритиш тизими 1900 йилдаги Италия Қироли фармони билан бошланиб, девонхона ва архивлар ишининг асосий принциплари баён этилган.

Италия давлатидаги хужжатлар билан ишлаш, иш юритишнинг бугунги кундаги ва амалдаги тизими 1963 йилда Президент фармони билан жорий этилган тизим ҳисобланади. Мазкур фармон билан хужжатларнинг архив сақлови масалалари ва девонхона иши тартибга солинган. Фармонда белгиланган маъёрлар бугунги кунда унча кўп бўлмаган ўзгаришлар билан амалда қўллаб келинмоқда. Масалан, иш юритишда кириш ва чиқиш хужжатларини рўйхатдан ўтказиш алоҳида журнallарда олиб борилиши, хужжатларни номма ном таснифларга бўлиш, бунда вазирлик, идоралар, ташкилотларнинг ўз шифр-кодлари билан рўйхатга олиш, бундан ташқари, хужжатлардан кенг фойдаланишдан қолган хужжатларни ташкилотларнинг архивларига ўтказиш, бунда хужжатлар келиб тушгандан кейинги 40 йил

мобайнида сақлаш, кейинчалик бир йилда бир марта депозитар архивларга топширилиб, амалий ва тарихий аҳамиятга эга бўлмаганлари йўқ қилишга ажратиш каби туркум ишларни амалга ошириш белгиланади. Римдаги Марказий давлат архиви Италия архивларининг давлат тармоғини бошқаришни амалга оширади. Италияда ташкилотларда бошқарувнинг ҳужжатли таъминоти, иш юритиш хизматини тўғри йўлга қўйилганлигини ҳамда бу борадаги дастурлари ижросини назорат қилувчи Кузатув комиссиялари иш олиб боради.

Буюк Британия давлатларида 2000 йил 25 майдаги “Коммуникациянинг электрон воситалари тўғрисида”ги Конун («Об электронных средствах коммуникации») электрон имзо борасидаги қонун ҳужжатлари доирасини кенгайтиришни тарғиб қиласди ушбу масалаларда муҳим ҳужжат бўлиб ҳисобланади. Конун электрон имзо учун алоҳида сертификация тизимини талаб қилмайди. Сертификация механизми соддалаштирилган, электрон аниқ имзо сертификатланган деб қабул қилинади ва бу факат суд-хуқуқ тизими жараёнларида қўлланилади.

Ривожланган давлатларнинг тўлақонли ахборотлаштирилган жамиятга ўтиши давлатлар номи олдига “e” харфининг қўшиб номланиши билан белгиланади, масалан, «Электрон АҚШ» (e-USA), «Электрон Европа» (e-Europe), «Электрон Франция» (e-France), «Электрон Буюк Британия» (e-Great Britain) ва х.к. Шубҳасизки, бу рўйхатга «Электрон Россия» (e-Russia) ҳам киритилади ва унинг таркибида ҳам ҳудудий тарзда бўлинган «Электрон Москва», «Электрон Санкт-Петербург» каби бўлинмалар ҳам мавжуд. Бу эса давлатлараро ўзаро ахборот ва маълумот алмашинувини, савдо ва саноат, тижорат, келишув ишларида тезкорлик, аниқлик ва оптималликни яратиб беради. Бошқарувнинг ҳужжатли таъминотида ахборот коммуникация технологияларидан фойдаланиш иқтисодий жиҳатдан унча кўп бўлмаган ҳаражатларни талаб этиши билан аҳамиятли. Масалан, Автоматлаштирилган ишчи ўрни, электрон дастурлар, химояланган электрон почта хизматлари ва б.лар

Европа давлатлари иш юритиш тизими билан Осиё давлатлари иш юритиш тизими бир биридан ўзаро фарқланади. Бу асосан давлатларнинг ички ишлар ва суд-хуқуқ тизимидағи фарқларда кўринади. Масалан, Хитойда бошқарувнинг ҳужжатли таъминоти тарихийликка асосланган бўлиши билан биргаликда жамиятнинг замонавий тараққиётидан ҳам четда қолмаган. Ҳужжатларни шакллантириш ва расмийлаштириш талаблари Хитой давлатининг алоҳида стандартида акс эттирилган («Государственный стандарт Китайской Народной Республики (КНР) вБ/Т 9704-1999»). Мазкур стандарт девонхона ишини ташкил этишдаги асосий ҳужжатлардан бўлиб ҳисобланади. Хитой давлати стандартининг ўзига хос томони “қайд қилиш мухри” ни жорий этилганлиги билан белгиланиб, бу муҳр қизил рангда бўлиши унинг бошқа давлатларнидан мутлақо фарқланишини англаади. Бу муҳр ҳужжатнинг оригиналгини билдирибгина қолмай, унинг битта ҳужжатга бир қанча марта босилиши билан ҳам аҳамиятлидир. Муҳрнинг неча марта қўйилиши мазкур ҳужжатнинг инстанциялар ёки бўлимлар билан

келишиш сони билан белгиланади. Лекин асосий муҳр энг биринчи бўлиб қўйилади, қолганлари келишилганликни билдирувчи белги сифатида қўйилиши мумкин. Бу эса Хитой давлатидаги иш юритиш тизимининг яна бир ўзига хослигини кўрсатади. Хитой давлатининг замонавий иш юритиш тизимида бугунги қунда Россия тажрибасига яқин бўлган тизим қўлланилаётганлигини маълум қилиш мумкин.

Қирғизистон Республикаси иш юритиш тизимида ҳам ўзига хос томонлар мавжуд бўлиб, асосан Россия ва МДҲ давлатларида жорий этилган анъанавий тизим билан жуда яқин. Қирғизистон Республикаси хукумати томонидан 23.07.2012 йилда қабул қилинган 517-сонли қарори билан “Қирғизистон Республикасида иш юритиш бўйича намунавий йўриқнома” тасдиқланган. 2013 йилда бу йўриқномага баъзи ўзгартириш ва қўшимчалар киритилган. Бу йўриқномада бошқарувни хужжатли таъминоти билан боғлиқ барча масалалар, хусусан, Ўзбекистондаги мазкур йўналишдаги амалдаги қонуности хужжатлар билан солиширадиган бўлсак, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 29.03.1999 йилдаги 140-сонли қарори билан қабул қилинган “Ўзбекистон Республикаси вазирликлари, давлат қўмиталари, идоралари, корпорациялари, концернлари, уюшмалари, компаниялари ва бошқа марказий муассасалари аппаратларида иш юритиш ва ижро назоратини ташкил этиш бўйича Намунавий Йўриқнома”, “Хужжатларни расмийлаштиришга бўлган талаблар” О’zDst 1157-2008, Ўзбекистон Республикаси Адлия Вазирлиги томонидан 02.08.2010 йил 897-2-сон билан рўйхатдан ўтказилган “Мулкчилик шаклидан қатъи назар корхона, муассаса, ташкилотнинг доимий ҳаракатдаги Эксперт комиссияси (ЭК) тўғрисидаги намунавий низом”, Ўзбекистон Республикаси Адлия Вазирлиги томонидан 02.08.2010 йил 898-2-сон билан рўйхатдан ўтказилган “Вазирлик, давлат қўмитаси, идора, юридик шахслар бирлашмасининг доимий ҳаракатдаги Марказий эксперт комиссияси (МЭК) тўғрисидаги намунавий низом” каби норматив хужжатлардаги талабларнинг барчаси ўз аксини топган.

Россия Федерациясида хужжатшунослик, бошқарувни хужжатли таъминоти, иш юритиш тизими бўйича ҳамда архив иши бўйича илмий-тадқиқотлар, изланишлар олиб борувчи ва ушбу йўналишда энг йирик услугбий марказ сифатида фаолият юритадиган илмий тадқиқот институти (ВНИИДАД) мавжуд. Мазкур институт архив иши ва иш юритиш бўйича барча норматив хужжатларни ишлашини мувофиқлаштириб боради. Россия Федерацияси иш юритиш тизими ички норматив хужжатларга асосланган ҳолда, қатъий олиб борилади. Бунда хужжатларни шакллантириш, ишчи ва қайд қилиш журналларининг юритилиши, йигмажиллар номенклатурасини тузиш, хужжатларни сақлаш муддатларини белгилаш, уларни давлат сақловига топширилиши масалаларида Ўзбекистон Республикасидаги жорий амалиёт билан боғлиқлик ва бирхиллик қўринади. Россия Федерациясида ахборотлаштириш борасида шиддат билан ишлар олиб борилишига қарамай, қоғоз хужжатлар билан ишлашга таянилмоқда. Бу эса анъанавий иш юритиш тизими билан замонавий тизимни уйғунлаштирилишига олиб келмоқда.

Электрон хужжат алмашинувини жорий этилиши Россия Федерациясидаги қоғоз хужжатларни қайта ишлаш, уларни жойларга етказиш, танишиб чиқиша ижро этишда енгилликла яратмоқда, қоғоз хужжатлардан воз кечилганийүқ. Европа давлатларида эса, юқорида кўриб ўтилганидек, электрон хужжат алмашинуви йўлга қўйилганига бир неча йиллар бўлган. Буни қуйидаги жадвалдаги маълумотлар орқали кўриш мумкин.

<b>Хужжат алмашинувини ташкил этишда Россия давлати амалиёти</b>	<b>Хужжат алмашинувини ташкил этишда Фарб давлатлари амалиёти</b>
Ташкилот ичида раҳбар томондан хужжатлар ҳаракати вертикал тарзда аниқ белгиланади (раҳбар – ижрочи – раҳбар)	Хужжатлар ҳаракати асосан раҳбарият кўрсатмасиз горизонтал, яъни тўғридан тўғри ижрочи томон йўналтирилиши мумкин
Хужжатлар билан иш олиб боришда туркум ишлар-ни амалга ошириш, қайд журналларидан рўйхатдан ўтказиш, картотекаларни юритиш, жойлаш, раҳбар кўрсатмасини шакллантириш, ижросини назорат қилиш ва х.к.	Ташкилот ичида хужжатлар оқимини марказлашган тарзда назорат қилиш тизими мавжуд эмас.
Россия давлатининг иш юритишдаги замонавий технологиялари хужжатларни қайд қилиш журналлари ва рўйхатдан ўтказиш картотекаларини юритишга ва бу борадаги ҳисботларни тайёрлашга мўлжалланган.	Хужжатларни рўйхатдан ўтказиш бевосита ижро-чилар томонидан олиб борилади. Бунда ижрога йўналтирувчи ва ижрочи алоҳида алоҳида ўз журналларини юритишлари мумкин. Баъзи турдаги хужжатлар умуман рўйхатдан ўтказил-майди. Ташкилотларда иш юритиш хизмати ва хужжатлар билан ишлаш, девонхона ишини олиб бориш учун бўлинмалар ёки алоҳида масъул шахс белгиланмаган.

Юқоридагилардан келиб чиқиб хулоса қилиш мумкини, давлат бошқарувида хужжатли ахборотларнинг ўрни муҳим эканлиги ва улар билан ишлаш тизими барча ривожланган давлатларда талаб даражасида ташкил этилганлиги яққол кўриниб турибди. Барча кўриб ўтилган давлатлардаги иш юритиш тизими ва бошқарувнинг хужжатли таъминоти масалаларида ўша давлатнинг давлат архив идоралари ҳам масъулликлари қонун ва қонуности хужжатларида белгилаб қўйилган. Демак, хужжатли ахборотни яратища архив идораларининг ўрни ва роли юқори ҳисобланиши ривожланган

давлатлар тажрибасида ҳам ўз исботини топди.

Электрон ҳужжат алмашинуви ва замон тараққиёти натижасида дастлаб ривожланган давлатларда, қолаверса бошқа давлатларда ўзаро ахборот ва маълумот алмашинувининг электрон тизимлари яратилди ва бу тизим тобора такомиллашиб ривожланиб бораётганлигини кўриш мумкин.

Галдаги вазифалардан бири, қоғоз ҳужжатлар алмашинувини камайтириб, мазкур яратилаётган электрон ҳужжатларнинг талаб даражасида сақланиши ва энг замонавий электрон архивларни ташкил этиш масалаларига кўпроқ эътибор қаратиш ва бу борадаги мавжуд муаммоларни хал қилиш йўлларини топиш ҳисобланади.

### **Назорат саволлари:**

1. Россия Федерациисидаги иш юритиш тизими нимаси билан аҳамиятли?
2. Автоматлаштирилган ишчи ўринларини афзалликлари нималардан иборат?
3. Ўзбекистон – Хитой давлатларининг иш юритиш тизимини фарқлаб беринг

### **Адабиётлар рўйхати:**

1. Костомаров, М.Н. Управление документами в США / М.Н. Костомаров // Секретарское дело. – 1996. – № 3.
2. Ларин М.В. Государственное регулирование делопроизводства в России: история и современность/Федеральное архивное агентство. ВНИИДАД.М.,2004.-350 с.
3. Морозовская Л.М. Секретарское дело в Китае // Секретарское дело. - 2003. -№ 1. - С. 34-35.
4. Рогожин, М.Ю. Документационное обеспечение управления: учебно-практическое пособие / М.Ю. Рогожин. – М.: ТК Велби, Издательство Проспект, 2005.
5. Храмцовская, Н.А. Международные стандарты по делопроизводству / Н.А. Храмцовская // Секретарь-референт. – 2006. – № 12.
6. [http://www.profiz.ru/sr/5\\_2008/problemy\\_sovr\\_deloproizv/](http://www.profiz.ru/sr/5_2008/problemy_sovr_deloproizv/)
7. <http://cyberleninka.ru/article>

## IV. АМАЛИЙ МАШГУЛОТ МАТЕРИАЛЛАРИ

**1-мавзу: Юридик ва жисмоний шахсларнинг ижтимоий-ҳуқуқий сўровларини қабул қилиш, бажариш, расмийлаштириш ва хисобга олиш тартиби. Жавоб тайёрлаш процедураси. Жавобларга асос топиш ва изоҳлаш**

*1.1. Ҳужжат ва ҳужжатлаштириши масалалари юзасидан қабул қилинган норматив ҳужжатлар.*

*1.2. Ҳужжат тушунчаси. Бошқарувнинг ҳужжатли таъминоти ва Ҳужжатлаштириши тушунчаси*

*1.3. Ҳужжатларни туркumlанишининг муҳим белгилари ва бир-биридан фарқли томонлари*

Ишдан мақсад: иш юритиши замонавий тенденциялар асосида олиб борилишига қаратилган янги тушунчалар таҳлилини амалга ошириш. Қабул қилинган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар билан ишлашни йўлга қўйиш ва бу орқали мустақил изоҳлашга ва уларни чуқур англашга эришиш.

### **Назорат саволлари:**

- 1) Норматив-ҳуқуқий ҳужжат тушунчасини изоҳлаб беринг.
- 2) Электрон ҳужжат қандай ҳужжат, унинг ташувчилари ва ўзига хос томонлари нималардан иборат?
- 3) Электрон ҳужжат айланиши деганда нималарни тушунасиз?

### **Адабиётлар рўйхати:**

1. «Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар тўғрисида»ги Қонун. – Тошкент, 2001.
2. “Ахборотлаштириш тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикасининг Қонуни. 2013 йил 11декабрда қабул қилинган.
3. “Электрон ракамли имзо тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикасининг Қонуни. 2003 йил 11 декабрда қабул қилинган.
4. “Электрон ҳужжат айланиши тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикасининг Қонуни. 2004 йил 29 апрелда қабул қилинган
5. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Республикаси давлат ҳокимияти ва бошқарув органларида иш юритиши ва ижро назоратини ташкил этиш бўйича норматив ҳужжатларни тасдиқлаш ҳақида»ги 140-сонли қарори. 1999 йил 29 марта қабул қилинган
6. Тўхлиев Н. Иш юритиши. – Тошкент, 2015.
7. Рогожин, М.Ю. Документационное обеспечение управления: учебно-практическое пособие / М.Ю. Рогожин. – М.: ТК Велби, Издательство Проспект, 2005.

**2-мавзу: Сўраклаётган ҳужжатдан нусха бериш тартиби. Келиб тушган мурожаатларни қайд этиш журналларини юритиши.**

## **Мурожаатларни кўриб чикиш бўйича назорат.**

**2.1.** *Хўжжатларни шакллантиришида йиғмажиллар номенклатураси билан ишилаш. Номенклатурани тузии ва шакллантириши жараёнлари.*

**2.2.** *Хўжжатларнинг сақлаши муддатларини аниқлаш. Бошқарув ҳўжжатлари сақлаши муддатлари кўрсатилган Намунавий ва тармоқ рўйхатлари билан ишилаш.*

Ишдан мақсад: назарий олинган билимларни амалиётда қай тарзда акс этишини мисоллар орқали ўрганиш. Ҳужжатларни тўғри шакллантириш ва мазмунига қараб тўғри юритишга қаратилган тарқатма материаллар орқали билимларни мустаҳкамлаш.

Масаланинг қўйилиши: амалий машғулот давомида ҳужжатларни туркумланиши ва уларнинг қўлланилиш соҳаси юзасидан қуйидаги тарқатма материални изоҳлаб тақдимот қиласди. Бунда тингловчи бу ҳужжатнинг қандай ҳужжат эканлиги ва уни тўлдириш ҳамда ҳужжатларнинг сақлаш муддатларини аниқ кўрсатиб бериши ва ҳар бир бўлимдан кейинги бўш қаторларни тўлдириб бериши лозим.

Ишни бажариш учун намуна:

Ҳужжат номи \_\_\_\_\_

Йиғма-жилд Индекс и	Йиғмажилд (жилд, қисми) сарлавҳаси	Йиғма-жиллар (жилд, қисмлар) сони	Йиғмажилдни (жилд, қисмни) сақлов муддати ва модда тартиб рақами	Изоҳ
<b>01 – РАҲБАРИЯТ</b>				
01-01	“Ўзархив” агентлигининг буйруқлари. (Нусха)		Заруриятга кўра 19 б-модда	
01-02				
01-03				
<b>02-БУХГАЛТЕРИЯ</b>				
02-01	Бўлим низоми нусхаси		3 йил 31-модда	Янгилар билан алмаштирилгандан сўнг
<b>03- РЕЖАЛАШТИРИШ ВА ТАШКИЛИЙ УСЛУБИЙ ИШЛАР БЎЛИМИ</b>				
03-01	Бўлим низоми нусхаси		3 йил 31-модда	Янгилар билан алмаштирилгандан сўнг

### **Назорат саволлари:**

1) Бошқарув ҳужжатларининг сақлаш муддатлари кўрсатилган Намунавий Рўйхат қандай ҳужжат, уни ким ишлаб чиқади ва ким тасдиқлади?

2) Ҳужжатларнинг сақлаш муддатлари кўрсатилган Тармоқ рўйхати қандай ҳужжат?

3) Йиғмажиллар номенклатураси қандай ҳужжатларга таянган холда ишланади, уни тасдиқлаш тартиби қандай?

4) Ташкилотнинг асосий фаолият бўйича буйруклари ва раҳбарият ҳузуридаги йиғилишлар баённомаларининг сақлаш муддати қанча?

### **Адабиётлар:**

1. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Республикаси давлат ҳокимияти ва бошқарув органларида иш юритиш ва ижро назоратини ташкил этиш бўйича норматив ҳужжатларни тасдиқлаш хақида»ги 140-сонли қарори. 1999 йил 29 марта қабул қилинган

2. Архив иши ва иш юритиш. Атамалар ва таърифлар. 2436-2012

3. Рогожин, М.Ю. Документационное обеспечение управления: учебно-практическое пособие / М.Ю. Рогожин. – М.: ТК Велби, Издательство Проспект, 2005.

4. Ўзбекистон Республикаси ташкилотлари фаолиятида шаклланадиган бошқарув ҳужжатларининг сақлаш муддатлари кўрсатилган Намунавий рўйхат (Тошкент. 2011, сентябрь)

### **3 - мавзу: Мурожаатлар ижроси учун жавобгарлик. Ўзбекистон Республикаси марказий давлат архивларида иш юритиш соҳасида амалга оширилган ишлар. Ўзбекистон Республикаси Марказий Давлат архиви фаолияти билан танишиш.**

**3.1.** Ҳужжатларни расмийлаштириш бўйича қабул қилинган норматив ҳужжатлар ва уларнинг қўлланиш доираси

**3.2.** Ҳужжатларни расмийлаштиришдаги асосий реквизитлар, элементлар. Уларнинг алоҳида вазифалари ва қўллаш усуллари.

**3.3.** Бланклар турлари ва улардан тўғри фойдаланиш.

Ишдан мақсад: назарий олинган билимлар асосида амалиётда хар бир ҳужжатни яратиш, шакллаштиришда, реквизитларни тўғри қўллай билишга эришиш, расмий бланклар билан ишлашни такомиллаштириш, уларни ўзаро фарқлай билиш.

Масаланинг қўйилиши: гурухларга бўлинган холда, ташкилий ҳужжатларни шакллантириш ва фармойиш ҳужжатларини шакллантириш ташкил этилади. Бунда тингловчи давлат стандартида белгиланган 30 та реквизитдан максимал даражада ва тўғри фойдаланганлигини текшириш керак.

1-гурух: буйруқ бланкасини ва ташкилот низомини шакллантиришда нечта реквизитдан қай тартибда фойдаланганлиги билан баҳоланади

2-гурух: штатлар жадвали ва йўлланма хат ишлаб чиқади ва унда

реквизитларни тўғри кўрсатганлиги таҳлил қилинади.

### **Назорат саволлари:**

- 1) Давлат стандартидаги 01 ва 02 реквизитлар нималардан иборат?
- 2) Реквизит сўзининг маъноси нимани билдиради?
- 3) Муҳр қўйилиши шарт бўлган ҳужжатларни санаб беринг?

### **Адабиётлар рўйхати:**

1. Ўзбекистон стандартлаштириш давлат тизими. Ҳужжатларни унификациялаштириш тизими. ТАШКИЛИЙ-ФАРМОИИШ ҲУЖЖАТЛАР ТИЗИМИ. Ҳужжатларни расмийлаштиришга бўлган талаблар. 1157-2008.
2. АРХИВ ИШИ ВА ИШ ЮРИТИШ. Атамалар ва таърифлар. 2436-2012.
3. Храмцовская, Н.А. Международные стандарты по делопроизводству / Н.А. Храмцовская // Секретарь-референт. – 2006. – № 12.
4. Тўхлиев Н. Иш юритиш. – Тошкент, 2015.
5. [http://www.profiz.ru/sr/5\\_2008/problemy\\_sovr\\_deloproizv/](http://www.profiz.ru/sr/5_2008/problemy_sovr_deloproizv/)

### **4- мавзу: Архивда ижро интизоми, юридик ва жисмоний шахслар мурожаатлари билан ишлаш амалиёти тўғрисида маълумотлар олиш.**

**4.1.** Ички ҳужжатлар ва ташқи ҳужжатлар билан ишлаш тартиблари. Уларни рўйхатлаш.

**4.2.** Ташқи ҳужжатларни қайд этиш ва назоратга олиш. Ижро интизоми ва бу борадаги норматив ҳужжатлар билан ишлаш

**4.3.** Электрон ҳужжат алмашинуви, электрон рақамли имзо

Ишдан мақсад: назарий олинган билимлар асосида амалиётда мисолларни таҳлил этиш, ички ва ташқи ҳужжатлар билан ишлашни ўрганиш, электрон ҳужжатлар билан ишлашни ўрганиш. Ижрога олинадиган ҳужжатларни аниқлаш ва ижросини таъминлаш

Масаланинг қўйилиши: кирувчи ҳужжатларни рўйхатлаш, чиқувчи ҳужжатларни рўйхатлаш иши амалий олиб борилади. Журналларнинг шакллари ишлаб чиқилади. Назорат карточкалари тўлдирилади.

### **Назорат саволлари:**

2. Ташкилот девонхонасига бирор ҳужжат кирим қилинадиан бўлса, дастлаб ҳужжат рўйхтадан ўтказиладими ёки раҳбарга киритиладими?
3. Ижро назорати нима учун керак, бу борада қандай ҳукумат ҳужжати қабул қилинган?
4. Назорат карточкалари турларини санаб беринг ва уларни бир биридан фарқланг

### **Адабиётлар рўйхати:**

1. “Электрон рақамли имзо тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикасининг Конуни. 2003 йил 11 декабрда қабул қилинган.
2. “Электрон хужжат айланиши тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикасининг Конуни. 2004 йил 29 апрелда қабул қилинган
3. “Ахборотлаштириш тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикасининг Конуни. 2013 йил 11декабрда қабул қилинган.
4. «Ўзбекистон Республикаси давлат ҳокимияти ва бошқарув органларида иш юритиш ва ижро назоратини ташкил этиш бўйича норматив хужжатларни тасдиқлаш хақида»ги 140-сонли қарор. 1999 йил 29 марта қабул қилинган.
5. Тўхлиев Н. Иш юритиш. – Тошкент, 2015.

**5 - мавзу: Ўзбекистон Республикаси кино, сурат ва овозли хужжатлар Марказий Давлат архиви қошида фаолият юритаётган “Замонавий иш юритиш маданияти” номли мутахассислар малакасини ошириш курслари ишлари билан танишиш.**

- 5.1. Ўзбекистонда амалдаги иш юритиш сиёсатининг олиб борилиши
- 5.2. Иш юритишда жаҳон тажрибаси: АҚШ, Германия, Италия, Англия, Хитой, Қирғизистон ва Россия

Ишдан мақсад: назарий олинган билимлар асосида амалиётда мисолларни таҳлил этиш ва қиёслаш.

Масаланинг қўйилиши: амалий машғулотда иш юритиш тизимининг жаҳон хамжамиятидаги ўрни ва ролини ўрганиш масалалари юзасидан таҳлиллар ўтказиш. АҚШдаги иш юритиш хизмати билан Италия давлати иш юритиш хизматининг ўзаро фарқлари нималарда кўринади, худди шундай, Хитой ва Ўзбекистон иш юритиш хизмати амалиётини солишириш масалалари.

**Назорат саволлари:**

1. Россия Федерациясидаги иш юритиш тизими нимаси билан аҳамиятли?
2. Автоматлаштирилган ишчи ўринларини афзалликлари нималардан иборат?
3. Ўзбекистон – Хитой давлатларининг иш юритиш тизимини фарқлаб беринг

**Адабиётлар рўйхати:**

1. Костомаров М.Н. Управление документами в США / М.Н. Костомаров // Секретарское дело. – 1996. – № 3.
2. Ларин М.В. Государственное регулирование делопроизводства в России: история и современность/Федеральное архивное агентство. ВНИИДАД.М., 2004.-350 с.

3. Морозовская Л.М. Секретарское дело в Китае // Секретарское дело. - 2003. -№ 1. - С. 34-35.
4. Храмцовская Н.А. Международные стандарты по делопроизводству / Н.А. Храмцовская // Секретарь-референт. – 2006. – № 12.
5. [http://www.profiz.ru/sr/5\\_2008/problemy\\_sovr\\_deloproizv/](http://www.profiz.ru/sr/5_2008/problemy_sovr_deloproizv/)
6. <http://cyberleninka.ru/article>

## **V. МУСТАҚИЛ ТАЪЛИМ МАВЗУЛАРИ**

### **Мустақил ишни ташкил этишнинг шакли ва мазмуни**

Тингловчи мустақил ишни муайян модулнинг хусусиятларини ҳисобга олган холда қуидаги шакллардан фойдаланиб, тайёрлаши тавсия этилади:

- меъёрий хужжатлардан, ўқув ва илмий адабиётлардан фойдаланиш асосида модуль мавзуларини ўрганиш;
- тарқатма материаллар воситасида маъruzалар қисмини ўзлаштириш;
- маҳсус адабиётлар бўйича модуль бўлимлари ёки мавзулари устида ишлап;
- амалий машғулотларда берилган топшириқларни бажариш.

1. Хужжат ва хужжатлаштириш масалаларида қабул қилинган амалдаги қонунчиликка замонавий технологияларни қўллаш борасидаги таклифлар ишлаб чиқиш зарурати масалалари
2. Йиғмажиллар номенклатурасини тузиш бўйича услубий қўлланма.
3. Хужжатларнинг ижро назоратини олиб бориш.
4. Иш юритиш хизматини ташкил этишдаги долзарб муаммолар ва уларни ечиш йўллари.
5. Электрон хужжат айланиш тизимида ахборот-коммуникация технологияларини қўллаш.
6. Иш юритишнинг автоматлаштирилган тизимини яратиш.
7. Хужжатлар билан ишлашнинг хориж амалиёти
8. МДҲ давлатларида иш юритиш тизимининг йўлга қўйилиши.

## **VIII. ФОЙДАЛАНИЛГАН МАНБАЛАР ВА АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ**

### **I. Ўзбекистон Республикаси Президентининг асарлари**

1. Мирзиёев Ш.М. Нияти улуғ ҳалқнинг иши ҳам улуғ, ҳаёти ёргу ва келажаги фаровон бўлади. 3-ЖИЛД / Ш.М. Мирзиёев. – Т.: “Ўзбекистон”, 2019. – 592 б.
2. Мирзиёев Ш.М. Ҳалқимизнинг розилиги бизнинг фаолиятимизга берилган энг олий баҳодир. 2-ЖИЛД / Ш.М. Мирзиёев. – Т.: “Ўзбекистон”, 2019. – 400 б.
3. Мирзиёев Ш.М. Миллий тараққиёт йўлимизни қатъият билан давом эттириб, янги босқичга кўтарамиз. 1-ЖИЛД / Ш.М. Мирзиёев. – Т.: “Ўзбекистон”, 2018. – 592 б.
4. Мирзиёев Ш.М. Буюк келажагимизни мард ва олижаноб ҳалқимиз билан бирга қурамиз. – Т.: “Ўзбекистон”. 2017. – 488 б.
5. Мирзиёев Ш.М. Миллий тараққиёт йўлимизни қатъият билан давом эттириб, янги босқичга кўтарамиз – Т.: “Ўзбекистон”. 2017. – 592 б.

### **II. Норматив-хукуқий хужжатлар**

6. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. – Т.: Ўзбекистон, 2018.
7. Ўзбекистон Республикасининг “Таълим тўғрисида”ги Қонуни.
8. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2015 йил 12 июнь “Олий таълим муасасаларининг раҳбар ва педагог кадрларини қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-4732-сонли Фармони.
9. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февраль “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги 4947-сонли Фармони.
10. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 20 апрель “Олий таълим тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПК-2909-сонли Қарори.
11. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 21 сентябрь “2019-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини инновацион ривожлантириш стратегиясини тасдиқлаш тўғрисида”ги ПФ-5544-сонли Фармони.
12. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 27 май “Ўзбекистон Республикасида коррупцияга қарши курашиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-5729-сон Фармони.
13. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 17 июнь “2019-2023 йилларда Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университетида талаб юқори бўлган малакали кадрлар тайёрлаш тизимини тубдан такомиллаштириш ва илмий салоҳиятини ривожлантири чора-

тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-4358-сонли Қарори.

14. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 27 август “Олий таълим муассасалари раҳбар ва педагог кадрларининг узлуксиз малакасини ошириш тизимини жорий этиш тўғрисида”ги ПФ-5789-сонли Фармони.

15. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 8 октябрь “Ўзбекистон Республикаси олий таълим тизимини 2030 йилгacha ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида”ги ПФ-5847-сонли Фармони.

16. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 7 майдаги “Математика соҳасидаги таълим сифатини ошириш ва илмий-тадқиқотларни ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-4087-сонли Қарори.

17. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 29 октябрь “Илм-фанни 2030 йилгacha ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида”ги ПФ-6097-сонли Фармони.

18. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг 2020 йил 25 январдаги Олий Мажлисга Мурожаатномаси.

19. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 23 сентябрь “Олий таълим муассасалари раҳбар ва педагог кадрларининг малакасини ошириш тизимини янада такомиллаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги 797-сонли Қарори.

### **III. Maxsus адабиётлар**

20. Archive Principles and Practice. Crown copyright. 2011.
21. Archives terminology – select terms. Prepared by M.Hadly and M.Gourlir for the ASA Archives Institute, 2006.
22. David Spencer “Gateway”, Students book, Macmillan 2012.
23. English for Specific Purposes. All Oxford editions. 2010. 204.
24. H.Q. Mitchell “Traveller” B1, B2, MM Publications. 2015. 183.
25. H.Q. Mitchell, Marileni Malkogianni “PIONEER”, B1, B2, MM Publications. 2015. 191.
26. Jhon Ridener. From Polders to postmodernism: an intellectual history of archival theory. USA, 2007.
27. Lindsay Clandfield and Kate Pickering “Global”, B2, Macmillan. 2013. 175.
28. Millar, Laura. Appraising and Acquiring Archives. In Archives: Principles and Practices, 115-143. New York: Neal-Schuman, 2010.
29. Steve Taylor “Destination” Vocabulary and grammar”, Macmillan 2010.
30. Архившунослик. Дарслик. Тошкент. “Turon-iqbol”, 2018.
31. Афанасьева Л.П., Алексеева Е.В., Бурова Е.М. Архивоведение: теория и методика. Учебник. М., 2017.

32. Белогуров А.Ю. Модернизация процесса подготовки педагога в контексте инновационного развития общества: Монография. — М.: МАКС Пресс, 2016. — 116 с. ISBN 978-5-317-05412-0.
33. Буриева Х.А., Назаров А.Ё., Аббосов Б.Б. Архив иш назарияси ва амалиёти. / Ўқув қўлланма. Т., 2019.
34. Гулобод Қурдатуллоҳ қизи, Р.Ишмуҳамедов, М.Нормуҳаммедова. Анъанавий ва ноанъанавий таълим. – Самарқанд: “Имом Бухорий халқаро илмий-тадқиқот маркази” нашриёти, 2019. 312 б.
35. Ибраимов А.Е. Масофавий ўқитишининг дидактик тизими. методик қўлланма/ тузувчи. А.Е. Ибраимов. – Тошкент: “Lesson press”, 2020. 112 бет.
36. Исакова М. Становление и развитие архивного дела в Узбекистане. Ташкенет: НУУз, 2012.
37. Ишмуҳамедов Р.Ж., М.Мирсолиева. Ўқув жараёнида инновацион таълим технологиялари. – Т.: «Fan va texnologiya», 2014. 60 б.
38. Карапетъянц И.В, Экономические архивы Западной Европы и США до начала XX века. М., 2007. 230 с.
39. Муслимов Н.А ва бошқалар. Инновацион таълим технологиялари. Ўқув-методик қўлланма. – Т.: “Sano-standart”, 2015. – 208 б.
40. Игнатова Н. Ю. Образование в цифровую эпоху: монография. М-во образования и науки РФ. – Нижний Тагил: НТИ (филиал) УрФУ, 2017. – 128 с. [http://elar.urfu.ru/bitstream/10995/54216/1/978-5-9544-0083-0\\_2017.pdf](http://elar.urfu.ru/bitstream/10995/54216/1/978-5-9544-0083-0_2017.pdf)
41. Олий таълим тизимини рақамли авлодга мослаштириш концепцияси. Европа Иттифоқи Эрасмус+ дастурининг кўмагида. [https://hiedtec.ecs.uni-ruse.bg/pimages/34/3\\_UZBEKISTAN-CONCEPT-UZ.pdf](https://hiedtec.ecs.uni-ruse.bg/pimages/34/3_UZBEKISTAN-CONCEPT-UZ.pdf)
42. Асекретов О.К., Борисов Б.А., Бугакова Н.Ю. и др. Современные образовательные технологии: педагогика и психология: монография. – Новосибирск: Издательство ЦРНС, 2015. – 318 с. <http://science.vvssu.ru/files/5040BC65-273B-44BB-98C4-CB5092BE4460.pdf>
43. Усмонов Б.Ш., Ҳабибуллаев Р.А. Олий ўқув юртларида ўқув жараёнини кредит-модуль тизимида ташкил қилиш. Ўқув қўлланма. Т.: “Tafakkur” нашриёти, 2020 й. 120 бет.
44. Хорхордина Т.И., Прозорова В.Б., Мазин К.А. Всеобщая история архивов. Часть 1. М.: РГГУ, 2019.
45. Цеменкова С.И. История архивов России с древнейших времен до начала XX века. Учебное пособие. Екатеринбург: Изд-во Уральск. ун-та, 2015.

#### IV. Интернет сайтлар

46. Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта маҳсус таълим вазирлиги: [www.edu.uz](http://www.edu.uz).
47. Бош илмий-методик марказ: [www.bimm.uz](http://www.bimm.uz)
48. [www.Ziyonet.Uz](http://www.Ziyonet.Uz)
49. Открытое образование. <https://openedu.ru/>

50. [www.arshiv.ru](http://www.arshiv.ru).
51. [www.history.ru](http://www.history.ru).

1.